БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 132

13 АВГУСТ ЖУМА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Англия лейбористлар партиясининг Клемент Эттли жаноблари бошчилигидаги делегацияси Москвада бўлиши муносабати блан СССР Министрлар Советининг Раиси Г. М. Маленков ҳузурида зиёфат (1-нчи бет).

Ўзбекистон Совет ёзучиларининг учинчи с'езди (1-нчи бет).

КПСС Марказий Комитетида (2-нчи бет).

И. Сулаймонов, У. Жонгитов. — Янгийўл шаҳар корхоналарини айланиб... (2-нчи бет).

М. Усиевич. — Рус фанининг ифтихори (2-нчи бет).

Пахтакор ўртоқлар! Ғўза парваришини қизғин давом этдириб, пахта йиғим-теримига тайёргарликни ҳам ҳартомонлама кучайтириб юборайлик! М. Ахмедов, А. Алиев. — Мусобақадошлар. **Т. Орипов.** — Оҳангарон районида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши нега паст? (3-нчи бет).

Буюк Британиянинг элчихонасида зиёфат (3-нчи бет).

Корея озод қилинган кунининг 9 йиллиги олдидан (4-нчи бет).

Маориф ходимлари халқаро федерациялари мувофиқлаштириш Комитетининг XIX сессияси ўз ишини тамомлади (4-нчи бет).

Франция Миллат мажлисида (4-нчи бет).

Марокашда аҳвол (4-нчи бет).

Тошкентда (4-нчи бет).

Чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш — энг муҳим вазифа

Социалистик қишлоқ хўжалиги кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш принциплари асосида жуда тез сур'атлар блан юксалаётган бир пайтда, унинг энг муҳим ва етакчи тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантириш катта, давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари чорвачиликни ҳар жиҳатдан юксалтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан колхоз, совхозлар олдига, барча партия, совет ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалик органлари олдига шундай катта вазифалар қўйдики, бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноатни эса хомашё блан етарли миқдорда та'минлайди.

Чорвачиликни ривожлантириш—даставвал мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга боғлиқдир. Чорва моллари тўйимли озуқ блан та'минлангандагина, бутун йил бўйи бу моллар яхши парвариш қилиниб боқилгандагина уларнинг маҳсулдорлигини ошириш мумкин. Областимизнинг колхоз ва совхозлари узоқ муддатга етадиган миқдорда ем-хашак жамғариб қўйиш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Кенг далаларда табиий ўтларнинг сероб бўлиши, ғаллачилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликнинг кенгайтирилиши — чорва моллари учун ем-хашак етиштиришнинг манбаидир.

Қишлоқ хўжалигининг юқори техника блан та'минланганлиги чорвачилик соҳасидаги ишларни механизациялаштириш учун асос солди. Областимиздаги колхоз ва совхозлар ем-хашак тайёрлаш учун кўп миқдорда ва хилма-хил машиналарга эгадирлар. Бу йил машина-трактор ва машина-чорвачилик станциялари тракторларга тиркаб ишлатиладиган қўплаб ҳаскашлар, ўрилган ўтларни тўплайдиган ва уни ғарам қиладиган машиналар олдилар. Ана шу механизмлардан ва колхозларда отга қўшиб ишлатиладиган машиналардан тўла ва унумли фойдаланилгандагина ўт ўриш юзасидан белгиланган планни тўла бажариш мумкин.

Илғор МТСлар ва машина-чорвачилик станцияларининг механизаторлари колхозчилар блан ҳамкорликда ишлаб, хашак тайёрлашда юксак меҳнат унумига эришдилар. Келес машина-чорвачилик станциясининг тракторчилари машина блан ўт ўриш топширигини ортиғи блан адо этмоқдалар. Улар Келес массивидаги табиий ўтларни жуда тез сур'атлар блан йиғиштириб олиб, олдиндан белгилаб қўйилган жойларга ғарам қилмоқдалар. Тракторчи ўртоқ С. Қосимов ўз тракторига ўрнатилган 2 та пичан ўриш машинаси блан ҳар куни 38 гектар ердаги табиий ўтни йиғиштириб олмоқда. Ўртоқ Қосимов меҳнат унумини оширишга ёрдам берадиган янги иш усулини топди, ўз машинасининг агрегатига яна бир ҳаскаш ўрнатди. Тракторчи ўртоқ Бойматов ўзиюрар пичан ўриш машинасида ишлаб, 39 иш кунида 1426 гектар ердаги ўтни ўриб берди.

Чиноз районидаги МТСнинг тракторчиси ўртоқ Андреев «XIX партс'езд» ва Будённий номли колхозларда хизмат қилиб, ўт ўриш ва уни йиғиштириб олиш планини анча ошириб бажараётир. Ана шундай илғор механизаторларнинг иш тажрибасини оммалаштириш, ўт ўришда машиналардан тўла ва унумли фойдаланиш учун тракторчиларда, МТС ҳамда колхозларнинг раҳбарларида мас'улият ҳиссини ошириш — партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг муҳим вазифасидир.

Бу йил баҳорда ёғингарчиликнинг кўп бўлиши орқасида табиий ўтлар текис ўсиб, сербаргли бўлди. Мўл табиий ўтларнинг талай қисми ҳали далаларимизда ўриб олинмай ётипти. Ўт ўришни кечиктириш колхоз хўжаликлари учун катта зарардир. Далалардаги хашаклар ва чорва моллари ейдиган бошқа ўтлар ўз вақтида йиғиштириб олинмаса, улардаги тўйимли озиқ моддалари йўқолади, ўтларнинг сифати бузилади. Шунинг учун ҳам ўт ўриш сур'атини тезлатиш, бу соҳадаги қолоқликни тезда тугатиш ва ем-хашак тайёрлаш ишига етарли миқдорда кучлар ажратиш — шу кунининг энг муҳим вазифасидир.

Беда — қишлоқ хўжалигида жуда муҳим ўсимлик ҳисобланади. Беда — ернинг маҳсулдорлигини ошириш блан бирга, чорва моллари учун жуда тўйимли озуқдир. Шунга қарамасдан областимизда беда хўжалигига етарли э'тибор берилмаётир. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Тошкент областидаги колхозларда бедани ўриб-йиғиб олиш ва парвариш қилиш тўғрисида»ги қарорида бу соҳадаги камчиликларни очиб ташлади ҳамда маҳаллий советлар ва қишлоқ хўжалиги органларининг ана шу масалага тегишинча аҳамият бермаётганликларини та'кидлаб кўрсатди.

Областьда беда ўриш юзасидан берилган топшириқнинг энди ярми бажарилди. Кўп жойларда биринчи ўрим ҳали ҳам тугалланган эмас, иккинчи ўрим эса экин майдонининг ярмидан сал кўпроғида ўтказилди, халос. Ўрилган ўтларни ташиб олиш ниҳоятда кечиктириб юборилмоқда. Пискент, Оҳангарон районларидаги колхозларда беда хўжалигига э'тиборсизлик блан қараш ҳоллари айниқса кенг тус олган. Бу районларда беда тайёрлаш плани системали равишда бажарилмаётир.

Ховос, Оҳангарон ва Мирзачўл районларида дағал хашак тайёрлаш, табиий ўтларни ўриш ва уларни ғарамлаш ишларига ниҳоятда кечикиб киришилди. Мирзачўл районида ўтган йили ем-хашак тайёрлашда жиддий нуқсонларга йўл қўйилган эди. Кўп колхозларда хашак тайёрлаш плани бажарилмади. Бунинг натижасида қиш мавсумининг ўрталаридаёқ ем-хашак етишмай қолди ва чорва молларини боқишда анча қийинчиликлар юз берди. Район партия комитети, район ижроия комитетининг раҳбарлари юқори партия органларининг директиваларини бажармаётирлар. Улар ўтган йилги аччиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқариб олмадилар, ем-хашак тайёрлашни бу йил ҳаддан ташқари кейинга сурилишига йўл қўйдилар. Райондаги колхозларда бу йил 27400 тонна миқдорида хашак тайёрланиши керак. Аммо бу планнинг ҳозиргача ярми ҳам бажарилган эмас. Райондаги Ленин номли, Маленков номли, Василевский номли, Охунбобоев номли колхозларда аҳвол ёмон.

Ем-хашак тайёрлашдаги бундай кечикишнинг олдини олиш ва ҳамма жойда табиий ўтларни, беда ва бошқа хашакларни ўриш сур'атини тезлатиб юбориш ғоят муҳим ишдир. Район партия, совет ташкилотлари машина-трактор ва машина-чорвачилик станцияларидаги, колхоз ва совхозлардаги механизмлардан ем-хашак тайёрлашда мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш учун ҳамма чораларни кўришлари зарур.

Ўт ўриш ишларида колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларнинг актив қатнашувига эришиш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун рағбатлантириш чораларини кўриш — партия, совет ташкилотларининг энг муҳим ишидир.

Ҳамма колхоз ва совхозларда силос бостириш иншоотлари бўлиши керак. Ем-хашакни силослаш бўйича белгиланган планнинг бажарилиши кўп жиҳатдан силос башнялари, деворлари цементланган ўралар ва траншеялар қуришга боғлиқдир. Силос учун экилган ҳамма экинларни ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш, даставвал маккажўхори поя ларини, лавлаги барглари ни, полиз ва сабзавот экинларининг палакларини силослаш керак. МТС, колхоз ва совхозлардаги силос қирқадиган машиналардан энг кўп фойдаланишга жиддий э'тибор бериш лозим.

Чорва молларининг бутун йил давомида яхши боқилишини та'минлаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун ҳарбир колхоз ва совхозда мустаҳкам ем-хашак базаси бўлмоғи керак. Бунинг учун далалардаги ҳамма ўтларни тезда йиғиштириб олиш ва уларни белгиланган жойларга ғарамлаб қўйиш керак. Ем-хашакни тўғри сақлаш ва улардан тежабтергаб фойдаланиш, чорва молларининг қишлови бошлангунча узоқ яйловлардаги фермаларга хашакларни етарли миқдорда ташиб келтириш — шу кеча-кундузда қилинадиган ишлардандир.

Маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органлари қишки яйловлардаги чорва молларини ем-хашак, сув ва бинолар блан та'минлаш тўғрисида ўз вақтида ғамхўрлик қилишлари, бунинг учун мавжуд имкониятларнинг ҳаммасидан самарали фойдаланишлари лозим. Шунга эришайликки, ҳарбир колхозда чорва молларини озуқа блан тўла та'минлайдиган миқдорда ва узоқ вақтга етадиган ем-хашакни жамғариб қўйилик. Бу, партия ва ҳукуматимизнинг жамоат чорвачилигини ривожлантириш соҳасида социалистик қишлоқ хўжалиги олдига қўйган катта вазифаларни бажаришда ва халқимиз моддий фаровонлигини юксалтиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлган ишдир.

Англия лейбористлар партиясининг Клемент Эттли жаноблари бошчилигидаги делегацияси Москвада бўлиши муносабати блан

СССР Министрлар Советининг Раиси Г. М. Маленков ҳузурида зиёфат

10 августда СССР Министрлар Советининг Раиси Г. М. Маленков Англия лейбористлар партиясининг К. Эттли жаноблари бошчилигидаги делегациясининг Москвада бўлиши муносабати блан зиёфат берди. Бу делегация Хитой Халқ Республикасига боради.

Зиёфатда делегация а'золари Э. Бивен жаноблари, Э. Саммерскилл хоним, У. Бэрк жаноблари, М. Филлипс жаноблари, С. Уотсон жаноблари, Г. Эршпоу жаноблари ва Г. В. Франклин жаноблари ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Буюк Британиянинг ССР даги фавқулодда ва мухтор элчиси сэр Уильям Хэйтер ҳам ҳозир бўлди.

Совет томонидан зиёфатда А. И. Микоян, В. М. Молотов, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, А. Я. Вишинский ўртоқлар, Москва Советининг раиси М. А. Яснов, Н. В. Попова ва ВОКС правлениесининг а'зоси Л. Д. Кислова ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Ўзбекистон Совет ёзучиларининг учинчи с'езди

Ўнбиринчи август куни эрталабки мажлисда ҳисобот юзасидан музокаралар бошланди.

Музокарада биринчи бўлиб **Ҳаким Назир** сўзлади. У, ўзбек болалар адабиётининг тараққиёти масалаларига тўхталди. Ҳозир республиканинг йигирмадан ортиқ ёзучиси ана шу жанр устида актив иш олиб бормоқда. Бироқ ўзбек болалар адабиёти ёш китобхонларнинг тез ўсиб бораётган талабларини қондиролмаётир.

Болалар учун ёзиладиган асарларнинг ғоявий-бадиий сифати учун курашда тил ҳақидаги масала муҳим ўрин тутади. Кўпгина ўзбек ёзучиларининг ше'рлари ва ҳикояларида бир хилдаги сўзлар ва ифодалар кўпинча такрорланаверади, ёш китобхонга тушинилмайдиган қийин сўзлар учратилади, ба'зан эса грамматик жиҳатдан нотўғри тузилган жумлалар ҳам бўлади.

Ўртоқ Ҳаким Назир бир қатор жиддий камчиликларни қайд қилиб ўтса ҳам, лекин ўзбек болалар ёзучиларининг ижодини тўла таҳлил қилиб бермади, умумий лани тўғри ҳал этишдан ўзини четга тортмоқчи бўлди.

Шоир **Эгам Раҳим** (Хоразм) ўз нутқида Ўзбекистон совет ёзучилари союзи президиумини, областьдаги ёш авторлар блан ишлашдаги камчиликлари учун танқид қилди.

Область ёзучиларининг асарлари союздаги секцияларнинг ва журнал редакцияларининг папкаларида ойлар давомида кўрилмасдан ётади. Журнал ходимлари танқид қилинишдан чўчиб, «бирор чатоғи чиқиб қолмасин» деб, асарларни э'тибордан соқит қилиб қўядилар ва шу тарика ёш ёзучиларнинг асарларини ах'ёнах'ёндагина босиб чиқарадилар.

С. Лиходзиевский ўзбек поэзиясининг ривожланганлигини кўрсатучи Ойбекнинг «Қизлар», «Зафар ва Заҳро», Асқад Мухторнинг «Катта йўлда», Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» ва «Қадрдонлар» поэмаларини таҳлил қилиб берди ва ўзбек совет лирикасидаги камчиликлар ҳақида гапирди.

Шоир **Ҳамид Ғулом** ўз нутқида ҳисобдаги докладнинг жиддий камчиликларини кўрсатиб берди. Докладда ўзбек совет адабиёти проблемаларининг бирортаси ҳам таҳлил қилиб берилмади.

— Менимча, — дейди Ҳамид Ғулом, —ишга бундай юзакичилик блан қараш Ўзбекистон совет ёзучилар союзи раҳбарларининг иш услуби учун ҳам характерлидир. Бундай иш услуби кўп ёзучиларнинг самарали ижод қилишларига ҳалал бериб келди. Бизнинг ёзучилар ташкилотимиз сўнгги вақтларда янги асарларни ҳартомонлама муҳокама қилишга, ёзучилар коллективининг айрим авторларга ижодий ёрдам беришига жуда кам э'тибор қилди. Биз ёзучиларнинг, — дейди Ҳамид Ғулом, — бундай аҳволга чидаб келганлигимиз айниқса кечирилмас бир аҳволдир.

Санъатшунослик институти директорининг ўринбосари ўртоқ **Визго** опера жанрининг ривожланиш проблемаси тўғрисида гапирди. Ўртоқ Визго ёзучиларнинг совет опералари яратишдаги роли тўғрисида, уларнинг опера санъатининг тақдири учун бевосита жавобгар эканликлари ҳақида гапирди.

С. Муҳамедов Ўзбекистонда театр танқидчилигининг аҳволини таҳлил қилиб берди.

Қардош республикаларнинг вакилларидан шоир **Ригор Нехай** (Белоруссия ССР), ёзучи **Улугзода** (Тожикистон ССР), шоир **Матузявичус** (Литва ССР), ёзучи **Уметалиев** (Қирғизистон ССР), ёзучи **Ергалиев** (Қозоғистон ССР) с'ездни қизғин табриклашдилар.

Шу блан кундузги мажлис ёпилди.

* * *

С'езд қатнашчилари «Ўзбек совет адабиётининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш вазифалари тўғрисида» ўртоқ Уйғун томонидан қилинган ҳисобот докладини муҳокама этишни давом қилдирдилар.

Ўзбекистон ССР давлат нашриётининг директори **Ф. Юнусов** Ўзбекистонда бадиий адабиёт асарларининг нашр қилиниши тўғрисида гапирди. 1953 йилда бадиий адабиётлар ва болалар—ёшлар учун ёзилган китоблар тўрт миллионга яқин нусхада босилиб чиқди, ваҳоланки 1941 йилда бундай китоблар фақат 840 минг нусха босилган эди. Китобхонлар рус ва ўзбек адабиёти классикларининг, қардош халқлар ёзучилари ва совет ёзучиларининг асарларини ўз она тилларида ўқишга муваффақ бўлдилар.

Ф. Юнусов оригинал асарларни, шунингдек таржима қилинган адабиётларни нашр этиш масалаларига тўхталиб ўтди. Агар ёзучилар, — деди у, — тўла қимматли оригинал асарлар яратишга астойдил киришганларида эди, маҳаллий авторларнинг китоблари ҳам кўпроқ нашр этилган бўлур эди. Бироқ, нашриёт планларида мўлжалланиб қўйилган кўпгина асарлар ёзилиб бўлмагани учун бирнеча йиллардан бери нашр қилинмасдан қолмоқда. Авторлар бизга оригиналларини ва таржималарини ўз вақтида келтириб бермаганлари учун биз бу йил ҳам 30 га яқин номдаги янги китобларни пландан чиқариб ташладик.

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзининг ижодий секциялари, айниқса проза секцияси чала ишланган асарларни нашр этишга тавсия қилмоқдалар.

Ўзбекистон давлат нашриёти 1953 йилда 500 дан кўпроқ китобни таржима қилдириб, 5 миллион нусхада нашр этди. Шу китоблардан 1 миллион нусхадан кўпроғи рус классикларининг бадиий асарларидир. Бироқ, китобхонлар биздан янги нашрларни талаб қилмоқдалар. Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи шу вақттача ўзбек тилига тўла таржима қилингани йўқ. «Анна Каренина», «Тирилиш» романлари нашр этилмади, шунингдек Гогольнинг «Ўлик жонлар» романи ҳам нашр этилгани йўқ. Гончарев, Шолохов, Фадеев, Шишков асарлари, жаҳон адабиёти классикларидан Гюго, Гейне, Сервантес ва бошқаларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилингани йўқ.

Ф. Юнусов малакали таржимонларни ташкилий тартибда тайёрлаш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Қуддус Муҳаммадий болалар учун ёзилган айрим асарларни танқид қилди, ёзучиларни пионерлар ва ўқувчилар тўғрисида кўпроқ ва яхшироқ ёзишга чақирди.

Мандат комиссиясининг раиси **Мумтоз Муҳамедова** сўз берилади.

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи,— дейди ўртоқ Муҳамедов, — китобхонлар оммаси орасида анча ишлар қилди, совет кишиларини коммунизм руҳида, ўтмишнинг қолдиқларига нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялади. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинмай ғамхўрлик қилиши туфайли Ўзбекистон ёзучилар ташкилоти анча ўсди ва мустаҳкамланди. Иккинчи с'езд блан учинчи с'езд ўртасидаги давр ичида республика ёзучилари составига 61 киши қўшилди.

С'ездга 98 делегат сайланди. Шулардан ўзбеклар 67 киши, руслар 19 киши, татарлар 9 киши, корейслар 2 киши, украинлар 2 киши, тожиклар бир киши, белоруслар бир киши.

Ёш жиҳатидан олганда: 20 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар, 15 киши, 30 дан 40 гача бўлганлар — 35 киши, 40 дан 50 ёшгача бўлганлар 33 киши, 50 ва ундан юқори ёшдагилар 15 киши.

Делегатлар орасида олий ма'лумотлилар 57 киши, олий ма'лумоти тўла бўлмаганлар 20 киши ва ўрта ма'лумотлилар 12 киши. Делегатлардан: Сталин мукофоти лауреатлари 5 киши ва сан'атда хизмат кўрсатган арбоблар уч киши.

С'езд Мандат комиссиясининг ҳисоботини бир овоздан тасдиқлайди.

М. Юнусов ўз нутқида, с'ездда область ва районлардаги талантли ёшларнинг бир қисми иштирок этмаётганлиги с'ездга тайёргарликнинг суст бўлганлигини кўрсатади, деб айтди. М. Юнусов адабий танқидчиликнинг ривожланиш масалаларига тўхталди.

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдунабиев** бизнинг шоҳли ёшларимиз тақлид қилса арзийдиган ижобий образлар яратиш зарурлигига алоҳида э'тиборни жалб қилди.

Болалар учун ёзаётган ба'зи ёзучиларимизнинг асарларида меҳнат яхши ёритилмаётир, болаларга меҳнатга муҳаббат ҳислари сингдирилмаётир. Ёзучилар ёш тамошабинлар учун керакли пьесаларни жуда кам ёзмоқдалар.

М. Муҳаммадқулов Ўзбекистон Совет ёзучилар союзининг Самарқанд ёзучилари блан тузук иш олиб бормаётганликлари тўғрисида гапирди.

СССР Совет ёзучилари союзи делегациясининг а'зоси ўртоқ **Малюгин** ўз нутқини драматургия масалаларига бағишлади. Пьесанинг ғоявий-бадиий қиймати, — деди у, — унинг театрлар репертуарида нақадар узоқ сақланиб қолиши блан белгиланади. Абдулла Қаҳҳор ёзган «Шоҳи сўзана» пьесасининг принципиал аҳамияти нимадан иборат? Унинг принципиал аҳамияти шундан иборатки, гарчи бу пьеса бундан бирнеча йил бурун ёзилган бўлсада, ҳали ҳам эскиргани йўқ, бу пьеса халқ қаҳтидаги анча катта воқиани ҳикоя қилади ва шунинг учун ҳам ҳанузгача ўқувчиларни ва тамошабинларни ҳаяжонлантириб келмоқда. Афсуски, ўзбек ёзучилари «Шоҳи сўзана» пьесасига баравар ташладиган пьесаларни ҳанузгача яратганлари йўқ.

Ўртоқ Малюгин кинодраматургияни ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

— Бизнинг вазифамиз шуки, — деди **К. Яшин** ўз нутқида, — ўзбек адабиётини, жумладан ўзбек драматургиясининг жиддий камчиликларини яхши текшириб билиб олишимиз керак. Театрларимизни репертуар блан та'миндаш масаласи ҳали тўла ҳал бўлгани йўқ. Ўзбек драматургиясининг орқада қолаётганлиги учун Уйғун ва Шевердин ўртоқлар бошчилигидаги ёзучилар союзининг президиуми ҳам, ўртоқ Туйғун раҳбарлик қилаётган драматургия секцияси ҳам, 1951 йилда Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадасидан кейин битта ҳам пьеса ёзмаган драматурглар, мен, Фатҳуллин ва бошқалар ҳам жавобгардир.

Бизнинг пьесаларимизда ижобий қаҳрамоннинг ёркин, чинакам образи йўқ. Яқинда саҳнага чиққан пьесаларда — Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», И. Ўктамовнинг «Кечирилмас гуноҳлар» пьесаларида — ижобий қаҳрамонлар салбий қаҳрамонларга нисбатан кучсизроқ бўлиб чиқкан. Ҳозирги вақтда ҳарбиримиз учун асосий вазифа шуки, турмушдаги типик ҳодисаларни акс этдирайлик, бадиий маҳоратни қунт блан, зўр бериб, тинмай ўрганайлик.

Драматург блан театр ўртасида ма'лум даражада гов борлиги, — деб давом қилди К. Яшин, — ўзбек драматургиясининг орқада қолишига катта сабаб бўлмоқда. Бу говларни олиб ташлаш керак. Ҳамза номли театр ўзбек драматургиясини ўстирадиган драматургларнинг биринчи «амалий сабоқ» олишини та'миндайдиган ижобий лаборатория бўлиши лозим.

Драма асарларини бадиий таржима қилиш масалалари блан бевосита театрнинг ўзи шуғулланиши лозим. Театрнинг ма'лум талаблари бор. Айрим пьесаларни ҳаммага ва ҳарқандай таржимонга таржима қилдираверш яраймайди.

К. Яшин опера драматургияси масаласига тўхталиб, бундай дейди:

— Кўпгина композиторлар, Бурхонов, Левиев, Бобоев, Юдаков, — опера ёки балет ёзишга бирнеча йиллардан бери ва'да қилиб келмоқдалар, лекин уларнинг битта шарти бор: улар бизга тайёр либретто беринг деб айтмоқдалар. Либретто яратмоқ учун эса композитор бу ишга чинакам манфаатдор бўлиши, либретто ёзучи блан опера яратиш устида биргаликда ишлаши лозим.

Иззат Султонов ўз нутқида қардош халқларнинг миллий адабиётини ривожлантириш учун улуғ рус халқи адабиётининг тажрибасини чуқур ўзлаштириш муҳимлиги тўғрисида гапирди.

11 августдаги кечки мажлисда Совет Иттифоқи қардош республикаларининг вакиллари: **Мнацаканян** (Арманистон), **Калпинь** (Латвия), **Мехти Гусейн** (Озарбайжон) сўзга чиқиб, с'ездни табриклашдилар.

Шоира **Вера Инбер** совет адабиётини ривожлантиришга таллуқли ба'зи масалалар тўғрисида гапирди. У, Ғафур Ғулом, Уйғун, Мирмуҳсин, Зулфия, Ҳамид Ғулом сингари шоирларнинг ижодига муфассал тўхталди, уларнинг асарларидаги ижобий ва салбий жиҳатларни айтиб берди. Вера Инбер ўз нутқига яқин ясаб айтдики, шоирларда маҳорат, ўқув, тажриба етарлик эмас. Лекин, ба'зан бир шоирнинг ўзида бирнеча ёзучиликни кўриш мумкин. Демак, бу камчиликларга қарши курашиш, турмушга яқинлашиш, турмушни чуқур билиш керак, чунки биз турмушнинг ўзидан ўрганишимиз лозим. Турмушнинг ўзи бизга ғўзал образлар беради. Биз турмушни кун сайин чуқур ўрганганимиздагина ўзимизнинг шоирлик маҳоратимизни қунт блан оширгнимизда ва ҳалқимизнинг ҳаётида катта аҳамияти борлигини кўрсатиб ўтди, киши руҳининг инженерлари бўлиш вазифасини амалда рўёбга чиқаришлар лозим бўлган совет ёзучиларининг олижаноб меҳнати тўғрисида гапирди. Ёзучи айтдики, Ўзбекистон совет ёзучилар союзи Президиумининг ҳисобот докладида ўзбек совет адабиётининг аҳволи чуқур анализ қилиб берилмади, туб проблематик масалалар кўрсатиб ўтилмади. Ўртоқ Бородин Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи правлениеси раҳбарлигининг иш услубини қаттиқ танқид қилди. Ўзбекистон Совет ёзучилари союзида ижодий ишларнинг қониқарсиз борганлигини кўрсатучи бирқанча фактларни айтиб берди.

Ёзучи **Абдулла Қаҳҳор** сўзга чиқиб, ўзбек совет адабиётининг ҳисобот даври ичида эришган шак-шубҳасиз муваффақиятларини уқтириб ўтди .Бизнинг мамлакатимизда, жонажон Ўзбекистонимизда бўлаётган улуғ ўзгаришларни ҳали ҳикоя қилиб берганимиз йўқ, — деди А. Қаҳҳор, — совет замонинги кишилари тақлид қилса арзийдиган тўлақонли образ яратганимиз йўқ. Ёзаётганларнинг орқада қолаётганлигига сабаб аввало шуки, ёзучиларимизнинг бир қисми ўз асарларини жуда секин ёзмоқда ва бунинг учун узоқ вақт сарф қилмоқда. Ёзучиларнинг бир қисми эса яхши асарлар яратмаётир. Китобхонлар олдидаги мас'улиятни сезмаётир. Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи а'золари ва кандидатларининг анчагина қисми бирнеча йилдан бери ҳеч бир асар яратгани йўқ. Ўртоқ А. Қаҳҳор, Уйғун, Яшин, Фатҳуллин, Сафаров, Зулфия, Темир Фаттоҳ сингари ёзучиларнинг кейинги вақтларда янги асар яратмаганликларини тўғри танқид қилди. Ўртоқ Қаҳҳор ёзучилар союзида чинакам ижодий, ўртоқлик вазияти вужудга келтириш зарурлиги тўғрисида гапирди, секция ишларини қайтадан қуриш керак дед айтди.

— Ўзбекистон ёзучилар ташкилотининг қониқарсиз ишлаётганлигининг сабабларидан бири шуки, — деди **Владимир Мильчаков**, — ёшлар орасида ғоявий-тарбиявий ишларнинг савияси пасайиб кетди. Совет ёзучилар союзи партия ташкилотининг партия ички ишларида ҳам кўпгина камчиликлар бор. Ўртоқ Мильчаков ўзи редакторлик қилаётган «Звезда Востока» журнали тўғрисида гапирдию, лекин с'ездда журнал редколлегияси тўғрисида қилинган танқидларга тўғри принципиал баҳо бермади.

А. Станишевский Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари тўғрисида ва биринчи навбатда донгдор ўзбек пахтакорлари тўғрисида катта, тўла қимматга эга бўлган китоблар яратиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Шоир **Мирмухсин** ўз нутқини ўзбек поэзияси масалаларига бағишлади. Ўзбек совет поэзиясининг,—деди у,— бой традициялари бор. У, рус классик ва совет поэзиясининг яхши традициялари та'сири остида тараққий қилди. Рус, ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг поэзияси биржон-биртан бўлиб ривожланмоқда ва ягона, совет поэзияси бўлиб тараққий қилмоқда.

Ўртоқ Мирмухсин айрим шоирларнинг муваффақиятларини кўрсатиб, кейинги вақтларда журнал ва газеталарнинг саҳифаларида бадиий жиҳатдан паст савияли ше'рлар кўп босилаётганлигини уқтириб ўтди. Кўпгина шоирлар навбатдаги бирор воқиага бағишлаб шошма-шошарлик блан ше'р ёзмоқдалар ва бу блан ўз ижодларини чеклаб қўймоқдалар. Ўзбек поэзияси орқада қолаётганлигининг сабабларидан бири шуки, Ўзбекистон совет ёзучилари союзида ше'рий асарлар китобхонларнинг иштироки блан кенг муҳокама қилинмаётир.

И. Гринберг ўз нутқида ўзбек совет прозаси тўғрисида гапирди. У, Ойбекнинг «Қутлуғ қон», А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романларини, Ш. Рашидовнинг «Голиблар» повестини анализ қилиб берди, ўзбек совет адабиётининг катта имкониятлари борлигини айтиб ўтди.

— Ёзучилар активлигини кучайтириш, Союзда ижодий вазиятни соғайтириш, — деди **Е. Шукуров** — янги асарларимизнинг сифатига ҳеч шубҳасиз ижобий та'сир ўтказади.

Кейинги вақтларда, — деб давом қилди Е. Шукуров, — «Шарқ юлдузи» журналининг ўқучилари кўпайиб кетди. Бироқ, журнал редколлегияси ўз ишида китобхонларнинг талабларини ҳисобга олмаётир; халқимизнинг катта-катта муваффақиятларини кўрсатиб берадиган ҳикоялар ва очерклар журналда кам учрайди.

В. Костяря ёзучининг ўз устида доимий ишлаши учун, ўз савиясини ошириши учун катта имкониятлар борлиги тўғрисида гапирди. Ёзучи воқийликни илмий асосда, марксча-ленинча чуқур билганидагина, зўр эҳтирос блан ишлаганидагина янги асарларда қўйилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган энг актуал проблемаларни пайқаб олади. Сўнгра В. Костяря ба'зи ёзучиларнинг ёш авторларнинг қўл ёзмаларига парвосизлик блан қараётганликларини гапириб ўтди.

М. Шевердин ўз нутқининг бошида Ўзбекистон ёзучиларининг китобларини китобхонлар оммасига тезроқ етказиш зарурлиги тўғрисида гапирди. М. Шевердин с'езд қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Совет ёзучилари Союзи президиумининг ишига берилган баҳога тўхталиб, қилинган танқидларни тўғри деб топди. Биз ўз қарорларимизнинг ижросини яхши контроль қилмаётирмиз, — деди у, —адабиётни ривожлантириш блан, ёзучилар ташкилотимизнинг ижодий ҳаёти блан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни муҳокама қилишни кечиктириб юбордик. Бироқ у Президиум а'золаридан айрим кишиларнинг ва айрим ёзучиларнинг пассивлиги Союзда чинакам ижодий вазиятнинг бўлишига йўл қўймаётир, деб президиумни оқлашга уринди.

М. Шевердин Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг бадиий адабиётларни нашр қилишда ҳали ҳам ёмон ишлаётганлигини қаттиқ танқид қилди.

12 август кундузи мажлисда туркман ёзучиси **Нурбердиев**, украин шоири **Микола Терещенко**, эстон ёзучиси **Феликс Котта** сўзга чиқиб, с'ездни табриклашдилар.

КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети Сибирь ва Қозоғистон районларига комбайнлар ҳамда юк автомобильларини юборишнинг қай аҳволда бораётганлиги масаласини кўриб чиқди ва, мамлакатнинг бошқа районларидан Сибирь ва Қозоғистон районларига комбайнлар ҳамда юк автомобильлари юбориш мутлақо қониқарсиз бормоқда, деб топди.

КПСС Марказий Комитети шуни қайд қилиб ўтдики, маҳаллий қишлоқ хўжалик органларининг айрим раҳбарлари комбайнлар ҳамда автомашиналарни юбориш юзасидан берилган топшириқларни бажаришга нотўғри, маҳаллий манфаатлар нуқтаи назаридан қарашга йўл қўймоқдалар ва уларни жўнатишни кечиктирмоқдалар. Краснодар ва Ставрополь ўлкаларидаги, Ростов, Каменск, Сталинград областьларидаги, шунингдек Украина ССРнинг Черкасс, Крим, Кировоград ва Одесса областьларидаги машина-трактор станцияларидан комбайнлар юбориш топшириқлари белгиланган муддатларда бажарилмади. Москва, Ленинград, Свердловск, Ростов-Дон, Саратов, Челябинск шаҳарларидан ва Кемерово областидан юк автомобильлари юбориш топшириқлари ҳам белгиланган муддатларда бажарилмади.

КПСС Марказий Комитети шуни эътироф қилдики, РСФСР Министрлар Совети (ўртоқ Пузанов) ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги (ўртоқ Бенедиктов) комбайнларни ва юк автомобильларини юбориш устидан етарлиқ равишда контроль қилмаётирлар ва бу ишни белгиланган муддатларда тугаллаш учун зарур чораларни кўрмаётирлар.

Йўллар министрлиги (ўртоқ Бешчев) комбайнлар ва автомобильларни ташиш ишига масъулиятсизлик билан қарамоқда, машиналарни ортиб юбориш учун вагонларни ўз вақтида беришни таминламаётир ва шу машиналар ортилган вагонларнинг темир йўлларда бориши устидан кундалик контроль қилмаётир.

КПСС Марказий Комитети РСФСР Министрлар Советига, Украина КП Марказий Комитетига, Украина ССР Министрлар Советига, комбайнларни ва юк автомобильларини Сибирь ва Қозоғистон районларига жўнатиш тўғрисида топшириқ олган область ва ўлкаларнинг область, ўлка партия комитетларига, область ижроия комитетларига ва ўлка ижроия комитетларига комбайнларни ва юк автомобильларини ортиб юбориш ишларини тугаллаш, шунингдек комбайнчиларни, комбайнчи механиклари, шоферларни, механикларни ва автомобиль отрядларининг бошқа ходимларини белгиланган муддатларда жўнатиш ишларини тугаллаш учун дарҳол чоралар кўриш мажбуриятини юклади.

Комбайнлар ва юк автомобильлари олаётган областьлар ҳамда ўлкаларнинг область ва ўлка партия комитетлари, область ижроия комитетлари ва ўлка ижроия комитетлари, РСФСР Министрлар Совети, Қозоғистон КП Марказий Комитети ва Қозоғистон ССР Министрлар Советига келаётган машиналарни дарҳол машина-трактор станцияларига етказдириб бериш, командировка қилиб юборилган комбайнчилар, шоферлар ҳамда бошқа ишчилар учун зарур ишлабчиқариш ва маиший шароит вужудга келтириш ҳамда олинаётган техникадан ҳосилни йиғиштириб олиш ва дон ташиш ишларида юқори унумли фойдаланишни таминлаш таклиф этилди.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги комбайнлар ва юк автомобильларини ташиш устидан контрольни қатъиян яхшилаши ва улардан тўғри фойдаланишни ташкил этиши керак.

КПСС Марказий Комитети Йўллар министрлигидан комбайнлар ва юк автомобильларини ташиш учун вагонларни узлуксиз бериб туришни ҳамда уларнинг темир йўллар орқали ташилиши устидан контроль қилиб туришни талаб этди.

Комбайнлар ва юк автомобильларини ортиб юбориш учун вагонларни ўз вақтида бериш ҳамда шу вагонларнинг йўлларда тез юргизилиши учун шахсан жавобгарлик йўллар министри ўртоқ Бешчев зиммасига юклатилди.

КПСС Марказий Комитети комбайнлар ва юк автомобильларини Қозоғистон ҳамда Сибирь районларига ўз вақтида етказиб беришга катта аҳамият бериб, Йўллар министрлигининг Сиёсий бошқармасига, темир йўл узеллари бўлимларининг, станцияларнинг партия ташкилотларига комбайнлар ва автомобильларни тезроқ ортиб, қўриқ ерлар очилаётган районларга тезроқ ташишнинг муҳимлигини темир йўл транспорти ходимларига кенг равишда тушунтириб бериш ҳамда партия ва ҳукуматнинг мана шу жуда муҳим топширигини ҳеч сўзсиз бажаришга темирйўлчиларни уюштириш мажбуриятини юклади.

Темир йўл транспортининг коммунистлари комбайнлар ва автомобильлар сингари жуда муҳим юклар ташишнинг кечиктирилишига йўл қўймасликлари лозим, ҳосилни йиғиб-териб олишни ўз вақтида ўтказиш ва давлатга дон топшириш планининг муваффақиятли бажариши ҳозирги вақтда комбайнлар ва автомобильларнинг қишлоқ хўжалигига етиб боришига боғлиқдир.

Оҳангаронда шахтёрларнинг болалари болалар боқчаларида қувноқлик билан кун кечирмоқдалар. Болалар боқчаларида уларнинг ўйнаб-қувнашлари учун барча имкониятлар мавжуддир. **Суратда:** «Ўзбекуголь» трестининг болалар боқчаси.

Л. **Портер** фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Қисқа сатрларда

★ Чиноз районидаги Пушкин номли ўрта мактабда кинолекторий ташкил этилган эди. Кинолекторий райондаги Пушкин номли, Навоий номли, Оржоникидзе номли ва «Правда» мактабларининг ўқучиларига яхши хизмат қилмоқда. Бу ерда намойиш қилинган «Чапаев», «Александр Матросов», «Содиқ дўстлар» каби бадиий фильмларни мингдан ортиқ мактаб ўқучилари кўрдилар.

С. Мўминов.

★ Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхозда радиоузел қурилди. Шунингдек 650 колхоз а'зосининг уйига ҳам радиоточкалар ўрнатилди. Радиоузел орқали илғор тажрибаси кенг ёйилмоқда. Илғор механизаторлар, бригада ва звено бошлиқлари ғўза парваришини яхшилашда эришаётган ўз ютуқларини радио орқали сўзлаб бераётирлар.

Ю. Маҳкамов.

★ Октябрь районидаги Каганович номли колхозда қорамол ва соғин сигирлар сони кўпайтирилмоқда. Уларнинг қишдан соғлом ва бақувват чиқишларига эришиш учун янги типда молхона қурилмоқда. Яқинда колхозга яна 52 бош зотли сигир келтирилди. Бу сигирлардан кўп сут соғиб олинмоқда.

Э. Асқаров,
Б. Қулбеков.

★ Бўка район маданият уйи қишлоқ пахтакорларига маданий хизматни яхшилаш максадида кўчма кино ташкил этди. Ҳозир Усмон Юсупов номли, «XIX партс'езд», «Ленинобод», Ленин номли ва Каганович номли колхоз пахтакорларига «Ёш гвардия», «Жасур кишилар», «Тоғ орасидаги застава» номли кинофильмлар қўйиб берилмоқда.

Я. Исматов.

★ Янгийўл район Куйбишев қишлоқ советидаги «Коммунизм» колхози тобора обод бўлмоқда. Колхоз партия ташкилоти ва правление а'золаринингташаббуси билан колхозчиларнинг уйи ёппасига радиолаштирилмоқда. 800 дан ортиқ хонадонга радиоточка ўрнатилди. Колхоз радиоузели ишлайбошлади. Бундан ташқари колхоз территориясидаги катта кўчага шагал ётқазилмоқда.

М. Мирхўжаев.

★ Сирдар'ё районидаги Каганович номли колхозда турли бинолар қад кўтармоқда. Бу йил колхозга келган 40 хўжалик учун уй-жой қуриб берилди. Колхозда янги сушилка қурила бошланди. Шу йил ичида стадион, молхона ва 4 та дала шийпони қурилди.

Ж. Ҳакимов.

Янгийўл шаҳар корхоналарини айланиб...

ИЛҒОР КОРХОНАЛАРДА

Бу йил республикамиз меҳнаткашлари мамлакатимиздаги барча халқлар блан биргаликда Ўзбекистон ССРнинг шонли 30 йиллигини нишонлайдилар. Бу тарихий кун шарафига бошланган социалистик мусобақага қатнашаётган Янгийўл шаҳар корхоналарининг коллективлари партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларига амал қилиб, меҳнатда янгиданянги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар.

Меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини камайтириш ва шу асосда халқимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш шаҳар корхоналаридаги ҳарбир ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимнинг ягона мақсадидир.

Резина-техника заводининг меҳнатсевар коллективи шаҳар корхоналари ўртасида биринчи бўлиб, ярим йиллик давлат программасини бажарди ва пландан ташқари бирнеча юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу кунларда бу ташаббускор коллектив йиллик топшириқни муддатидан олдин — 20-нчи ноябрьгача бажариш ва йил охиригача пландан ташқари кўп миқдорда турли хил кенг исте'мол моллари тайёрлаб бериш учун барча ички имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, меҳнат вахтасида туриб ишламоқда.

Мана, маданият ва истироҳат боғларини эслатучи консерва заводи: турнақатор машиналар янги ҳосилдан тайёрланган ўрик муроббоси, турли хилдаги компотлар, консервалар ортиб, кенг дарвозадан чиқиб келмоқда.

Яқинда Узоқ Сахалиндан ҳамда жонажон пойтахтимиз Москвадан завод коллективи номига бирнеча мактуб келди. Москвали ва сахалинли дўстларимиз бу мактубларида завод ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг сифатли бўлгани учун коллективга самимий миннатдорчилик билдирганлар. Бепоён Ватанимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келиб турган миннатдорчилик билдиручи бундай мактублар завод коллективи хизмати учун берилган энг юқори мукофотдир.

Консервачилар ўз исте'молчиларининг баҳоларидан руҳланиб, ярим йиллик топшириқдан ташқари 300 минг банка юқори сифатли консерва тайёрлаб, турли шаҳарларга жўнатдилар.

Шаҳардаги гўшт комбинати ҳам 6 ойлик пландан ташқари 112 тонна гўшт, 9 тоннадан ортиқ колбаса ва кўп миқдорда бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарди. Пахта заводи, вино ва газ суви заводлари ҳам 1954 йилнинг биринчи ярим йилини катта муваффақиятлар блан якунладилар.

Броқ, шаҳардаги айрим корхоналарнинг биринчи ярим йил ичидаги фаолияти кишини ҳурсанд қилаолмайди. Бу корхоналарнинг қолоқлигига нималар сабаб бўлмоқда?

ПОЙАФЗАЛ ТИКУЧИЛИК КОМБИНАТИДА

Сиз шаҳар активи йиғилишига ё бўлмаса шаҳар партия комитетида бўлиб турадиган йиғилишларга иштирок этиб қолсангиз, доимо-«Ўзглавшвейпром»га қарашли пойафзал-тикув комбинати давлат ишлабчиқариш планини бажараолмаётир, маҳсулотларнинг сифати ғоят даражада паст» деган бирхилдаги сўзларни эшитасиз.

Ҳақиқатан ҳам комбинат йил бошидан бери давлат ишлабчиқариш планини ой сайин бажараолмай келаётир. 1954 йилнинг 6 ойлик плани 82 процент бажарилди, халос. Планнинг бажарилмаслигига асосий сабаб корхонанинг бир ме'ёрда ишламаётганлигидир. Мавжуд механизм ва асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш ғоят ёмон ташкил этилган. Хўжакўрсинга тузилган ҳафталик ва кунлик ишлабчиқариш графигига мутлақо риоя қилинмайди. Комбинат раҳбарлари бу графикнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилмайдилар. Комбинат директори Эшонхўжаев, бош инженер Ўрунбоев ўртоқлар ўз ишларига мас'улиятсизлик блан қараб келмоқдалар. Улар мавжуд камчиликларни тугатиш, корхонанинг бир ме'ёрда ишлашини та'минлаш учун ҳечқандай амалий чоралар кўрмаётирлар.

Ма'лумки, ҳарбир корхонанинг узлуксиз бир ме'ёрда ишлаши ва давлат планларининг ҳамма ассортиментлари бўйича ўз муддатида бажарилишини та'минлашда корхонадаги та'минот бўлими зиммасига жуда катта ва мас'улиятли вазифалар юклатилади. Бу бўлим ҳарбир цех, ҳарбир участка ва ҳарбир бригаданинг ишлабчиқариш планида кўрсатилган маҳсулотни давлат томонидан белгиланган стандартга тўла мувофиқ равишда тайёрлаши учун зарур бўлган хомаш'ёнинг ҳамма турлари блан та'минлаб туриши керак.

Та'минот бўлимининг ходимлари ва унинг раҳбарлари оператив бўлишлари лозим. Улар корхонанинг ҳарбир участкасида мавжуд бўлган зарур запас хомаш'ёнинг миқдорини доимо ҳисобга олиб боришлари ва сарфланганларининг ўрнини узлуксиз равишда тўлдириб туришлари керак.

Аммо, пойафзал-тикув комбинатининг та'минот бўлими корхонадаги аҳвол блан қизиқмай қўйган. Ишлабчиқаришнинг узлуксиз, бир ме'ёрда ишлаши учун нималар етишмаётганлигини аниқлашга ҳаракат қилмайди. Та'минот бўлимининг иши комбинат дирекцияси томонидан ҳам, планлаштириш бўлими томонидан ҳам назорат қилинмайди, бўлим ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кўпинча аҳвол шу даражага бориб етадики, складда керакли хомаш'ё топилмайди. Аксинча, ишлабчиқаришга зарур бўлмаган ортиқча материаллар бекорга ўрин эгаллаб, уюлиб ётади. Комбинатнинг молиявий аҳволи бирмунча оғир бўлиб ётишига қарамай, складда бир миллион сўмга яқин кераксиз материал ҳаракатсиз ётипти. Пойафзал учун ишлатиладиган 24 минг сўмлик «юбилейная» деб аталадиган пойафзал учун ишлатиладиган мата, 150 минг сўмлик юмшоқ тери, 200 минг сўмлик яримфабрикат, 8 минг сўмлик ип, металлдан ясалган 100 минг дона тугма ва бошқа жуда кўп моллар бир йилдан бери бекорга жойни банд қилиб ётипти. Ваҳоланки, бундай хомаш'ёларга бошқа саноат корхоналари муҳтож. Комбинат раҳбарлари бу ортиқча запасларни бошқа корхоналарга жўнатиб юбориш ҳақида жиддий ўйламаётирлар.

Эркаклар учун тикилаётган каверкот шимларга давлат стандартида кўрсатилган кулранг тугма қадаш ўрнига металлдан ясалган сифатсиз қора тугмалар қадалмоқда. Натижада, маҳсулотнинг стандарти қўпол равишда бузилмоқда. Каверкотнинг ранги кулранг бўлишига қарамай, унинг жиякларига кора материал ишлатилмоқда. Ўз-ўзидан ма'лумки, давлат стандартини бузган ҳолда ишланган бундай махсулотларни савдо қилучи ташкилотлар қабул қилмайдилар. Натижада, қўлдан чиққан «тайёр маҳсулот» яна комбинатга қайтарилаётир ва ундаги тугмалар қайтадан қадалмоқда, жияклар иккинчи марта тикилмоқда. Бу эса, ўз навбатида бирнеча кунлик ишни орқага сураётир, ортиқча харажатга сабаб бўлаётир.

Худди шундай аҳвол пойафзал цехида ҳам содир бўлмоқда. Комбинат учун зарур бўлган астарлик ва бошқа хил кўн маҳсулотлари Самарқанддан 25 апрельда комбинатга юборилди. Пойафзал цехининг ба'зи участкаларида хомаш'ё бўлмаганлиги сабабли иш тўхтаб қолганидан хабардор бўлган та'минот бўлимининг бошлиғи ўртоқ Раҳимов бу маҳсулотларни ўз вақтида бориб қабул қилиб олмади. Маҳсулот ўз эгасини пойлаб, Тошкент темир йўлида бирнеча кунгача туриб қолди. Раҳимовнинг «оператив» лиги натижасида юк белгиланган муддатдан бирнеча кун кейин келтирилди. Темир йўл бошқармаси маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олмаган комбинатдан минг сўмдан ортиқ штраф олди. Ана шу сабаблар оқибатида пойафзал цехи бир ойнинг ўзида пландагига нисбатан икки минг жуфт кам оёқ кийими тайёрлаб берди.

— Тикув цехимиз яхши ускуналанган, янги машиналар блан та'минланган, — дейди комбинат техника назорат бўлимининг контролёри ўртоқ Гончарук. — Аммо, бу машина ва механизмларга зарур запас қисмлар етишмаганлигидан машиналар бирнеча соатлаб, ҳатто, кунлаб бекор туриб қоладилар. Шунингдек, - комбинатнинг механика устахонаси керакли асбоб-ускуна ва зарур металл материаллари блан ўз вақтида та'минланмаганидан ишчилар жуда катта қийинчиликларга учрамоқдалар. Комбинатнинг бош механиги ўртоқ Примов ўзининг асосий вазифаси ва зарур ишларини қолдириб, кўпинча машиналарга запас қисмлар топиб келиш учун Тошкентга бориб келиш блан овора.

Комбинатдаги цехлар зарур хомаш'ё ва ёрдамчи материаллар блан ўз вақтида та'минланиб турилмаганлиги оқибатида цехларда тез-тез иш тўхтаб қолади. Масалан, май ойининг ўзидагина тикув цехида бундай бекор туриб қолишлар 955 соатни ташкил этган. Маҳсулот келтирилгандан кейин эса, бекорга кетган вақтнинг ўрнини тўлдириш ва планни бажариш учун штурмчиликка ўтилади. Натижада тайёрланган маҳсулотларнинг кўп қисми брак қилинади.

Корхонанинг бир ме'ёрда ишламаслигига қуйидаги фактни мисол қилиб кўрсатса бўлади. Тикучилик цехи 21 июньда 1935 дона шим тайёрлаган бўлса, 22 июньда 701 дона, 28 июньда эса ундан ҳам кам—625 дона шим тайёрлаган.

Шошилиб ишлаш натижасида корхонада оддий технология процесслари ҳам қўпол равишда бузилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига салбий та'сир кўрсатаётир. Тайёрланган маҳсулотларнинг кўпи ишловн тамом бўлмаганлиги ва сифатининг пастлигидан техника назорат бўлими ва савдо қилучи ташкилотлар томонидан қабул қилинмай, қайтариб юборилмоқда. Фақатгина тикучилик цехида 12 июньда тайёрланган 380 та шимдан 337 таси бракка чиқарилган. Бу бир-кунлик маҳсулотнинг 88 процентини ташкил этади.

Совет кишиларининг моддий фаровонлиги ҳарқачонгидан ҳам яхшиланиб бораётган ҳозирги пайтда исте'молчилар чиройли, бежирим ва шу блан бирга чидамли, янги фасондаги молларни талаб қилмоқда.

Аммо, комбинат раҳбарлари «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қобилида ишлаб тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, уларни харидорбоп қилиб, ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтариш учун харакат қилмаётирлар. Тикучилик цехидаги аҳволни яхшилаш тўғрисида жуда кўп гапирилди. Кетмакет йиғилишлар чақирилди. Узундан-узоқ қарорлар қабул қилинди. Лекин, комбинат раҳбарлари бу қарорларнинг бажарилиши устидан назорат қилиб туриш керак эканлигини ёдларидан чиқариб қўйганлар.

ЁҒ ЗАВОДИДА

Агар сиз шаҳардаги 4-нчи ёғ заводининг директори Абдумовланов ёки бош инженер Криворучкодан «Заводда аҳвол қандай? деб сўраб қолсангиз, улар: «Ёмон эмас, давлат планини ўз муддатида ҳамма турлари бўйича бажариб келмоқдамиз» дейдилар.

Тўғри, завод коллективи 1954 йилнинг биринчи ярмини дуруст якунлади. Лекин, ишлабчиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга кам э'тибор берилди. Ишлабчиқариш технологиясига қат'ий риоя қилинмаслиги ва маҳсулот сифатини яхшилашга жиддий э'тибор берилмаслиги натижасида заводда ишлаб чиқарилган олти процентли хўжалик совунларидан 500 минг сўмлиги ҳиди ёмонлиги, сифати пастлиги учун давлат экспертиз комиссияси томонидан брак қилинди. Ўтган 6 ой ичида 127 тоннадан ортиқ ёғ нобуд бўлди. Бу камчиликларнинг олдини олиш ва маҳсулот сифатини яхшилашда завод лабораториясининг ходимлари катта роль ўйнашлари керак эди. Аммо, улар цехлардаги ишлабчиқариш процесслари блан мустаҳкам алоқада иш олиб бораётганлари йўқ. Лаборатория ходимлари жойларда юз бераётган камчиликларни қайд қилиб ўтиш блангина чекланмоқдалар. Шунинг оқибатида кўплаб маҳсулот брак қилинмоқда.

Бу соҳада завод инженер-техник ходимлари ҳам сусткашлик блан иш олиб бормоқдалар. Улар тайёрланаётган маҳсулот сифатининг нима сабабдан пасаяётганлигини ишчиларга тушунтирмаётирлар, бу соҳада уларга амалий ёрдам бермаётирлар.

Шунингдек, шаҳардаги нон заводи ва сут заводлари ҳам ярим йиллик программани бажаролмай давлат олдида қарздор бўлиб қолдилар. Шаҳар партия комитетининг раҳбарлари эса: «шаҳримиз корхоналари ярим йиллик топшириқни ортиғи блан бажариб, исте'молчиларга пландан ташқари 14 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердилар» деб ҳотиржам юриптилар.

Давлат планларининг илғор саноат корхоналари ҳисобига тўлдириш совет жамоатчилиги томонидан қораланган методдир. Ҳарбир корхона ўз планини тўла ва ошириб бажариши керак. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Қолоқ корхоналарнинг раҳбарлари буни албатта ҳисобга олишлари лозим.

И. СУЛАЙМОНОВ,
У. ЖОНГИТОВ.

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИДА

11 августда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига келган экскурсиячиларнинг иш куни суҳбат ва лекцияларга бориш блан бошланди. Эрталаб ма'мурий корпусда халқаро аҳвол ҳақида лекция бўлди. Колхоз Маданият уйида Москва атрофидаги Ленин МТСининг директори ўртоқ Ляпунов далачилик ва сабзавотчилик соҳасидаги ишларнинг кенг равишда механизациялаштирилишита МТС қандай қилиб эришганлиги ҳақида бир группа колхозчилар ва агрономлар блан суҳбат ўтказди.

Манежда Украиннанинг, Қозоғистоннинг, Туркманистоннинг ва Ставрополь ўлкасининг юзларча колхоз ва совхоз қўйбоқарлари тўпланган. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Сталин мукофоти лауреати В. А. Бальмонт қўйларнинг янги наслларн ҳақида уларга доклад қилди. Шундан кейин йиғилганларга виставкада қўйилган энг яхши наслдаги майин жунли қўйлар кўрсатилди.

Виставкада экскурсиячиларни қишлоқ хўжалик фанининг ютуқлари блан ҳамда колхоз, совхоз ва МТС новаторларининг жуда бой тажрибаси блан таништириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда.

Виставка директорининг ўринбосари ўртоқ Беляев ТАСС мухбирига қуйидагиларни билдирди:

— Виставканинг лекция залларида қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳаркуни тўрт-бештадан лекция ўтказилмоқда. Павильонларда тажриба олмашиш учун илғорларнинг учрашувлари ташкил этилмоқда. Лекция ва суҳбатларни илмий ходимлардан ташқари мамлакатдаги энг яхши колхозларнинг раислари Пузанчков, Малинина, Орловский, Чеховский ўртоқлар, колхоз ишлабчиқаришининг илғорларидан — сут соғучи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Коврова, Москва атрофидаги «Холмогорка» совхозининг подачиси ўртоқ Петров ва бошқалар ҳам ўтказдилар. Павильонларда ўтказиладиган суҳбатлар вақтида қисқаметражли кинофильмлар кўрсатилмоқда.

Таассурот ва тилаклар ёзиладиган дафтарларига экскурсиячилар томонидан ёзилган ёзувларда Виставка ходимларига ташаккур изҳор қилинади.

Лекин,—деди ўртоқ Беляев, виставка очилган биринчи кунларда бирқанча жиддий камчиликлар аниқланди. Жойларда экскурсиячилар группалари ҳархил касбдаги ходимлардан иборат қилиб тузилмоқда. Бу ҳол илғор тажрибани ўргатиш ишининг ташкил қилинишини жуда қийинлаштиради. Виставкада махсус темалар бўйича ўтказиладиган суҳбат ва лекциялар аралаш экскурсиялрни қондиролмайди. Павильонлардаги экспонатларни кўрсатиш иши ҳам мушкуллашади. Маҳаллий ташкилотлар экскурсиячилар группаларини тузишга э'тибор беришлари ва уларни кўпроқ бирон қишлоқ хўжалик ихтисосидаги ходимлардан иборат қилиб тузишлари зарур. Бундай қилиш экскурсиячиларга виставкада бўлган вақтларидан самаралироқ фойдаланишга имкон беради.

Павильонлардаги экскурсия раҳбарлари томонидан ўтказиладиган суҳбатларнинг сифатини оширишга жиддий э'тибор берилмоқда. Павильон раҳбарларига Виставкага келучи новаторлар блан алоқа боғлаш, илғор тажрибани ўз хўжаликларида жорий қилиш планларини тузишда уларга ёрдам кўрсатиш ҳақида кўрсатма берилди. Виставка қатнашчиларининг тажрибасини ёритадиган брошюралар ҳамда павильонлар бўйича йўлномалар босилиб чиқмоқда. Бу материаллар экскурсиячиларга уларнинг ўқувида жиддий қўлланма бўлади. (ТАСС).

Рус фанининг ифтихори

(И. М. Сеченовнинг туғилганига 125 йил тўлиши муносабати блан)

Рус фанининг ифтиҳори, улуғ олим Иван Михайлович Сеченов бундан 125 йил илгари, 1829 йил 13 августда Симбирск губернасининг Тёплий Стан қишлоғида унча бой бўлмаган помешчик оиласида туғилди.

Иван Михайлович 14 ёшигача оиласида тарбияланди. Сўнгра Петербургдаги Михайловск ҳарбий инженерлар мактабига кириб, унн 1848 йилда тамомлади. Сеченов Киев бўсағасида турган сапёрлар полкига офицер қилиб юборилди.

Ҳарбий мактабда Сеченов математикани ва айниқса физикани зўр ҳавас блан ўрганди. Физика дарсларида тажриба кўрсатилганда Сеченов кўпинча ўқитучига ассистентлик қилиб турарди.

Сеченов провинциядаги сапёрлар полкида хизмат қилар экан, ўз командирларидан биринг оиласига тез-тез бориб турди. Шунда у командирининг қизи блан дўстлашди. Бу қиз юқори ма'лумотли ва эрксевар аёллардан эди. Ана шу қиз Иван Михайловични ўз умрини халқ хизматига бағишлашга отлантирди. Ўша қизнинг фикрига қараганда, врач бўлиш шу мақсадга етиш учун энг яхши йўлдир.

Сеченов ўзининг автобиографик хотираларида умрининг ўша даврини эслаб, бошн қаёққа оғса, ўша ёққа кетаберадиган йигитдан ўз халқи учун фойда келтириш ва унга жуда содиқ бўлиш каби равшан мақсадга эга бўлган онгли кишига айландим, деб э'тироф қилган эди.

1850 йил кузида Сеченов ҳарбий хизматдан бўшаб, Москвага боришга муваффақ бўлди ва у ерда Москва университетига дастлаб эркин тингловчи бўлиб кирди, 1851 йилдан бошлаб эса медицина факультетининг студентлари қаторига қўшилди. Сеченов университетда 5 йил ўқигач, унинг бундан кейинги илмий фаолияти тайин бўлиб қолди.

И. М. Сеченов физиологияга ҳаммадан кўпроқ қизиқди. Сеченов шу соҳада ўз билимини оширишга аҳд қилди ва шу мақсадда бирнеча йил четэлларга бориб ишлади.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Иоганн Мюллер бошлиқ немис физиологларининг шуҳрати ҳаммаёққа ёйилган эди. Сеченов ўша вақтдаги физиологиянинг ютуқлари блан таниш учунгина эмас, алкогольнинг одам организмига қандай та'сир этишини текшириш учун ҳам Германияга борди. Халқнинг ичкилик балосига гирифтор бўлиб гангиши ёш олимнинг э'тиборидан четда қололмас эди. Шунинг учун ҳам Сеченов алкогольли ичимликлардан заҳарланишнинг моҳиятини билишга интилди.

И. М. Сеченовнинг учярим йиллик иши жуда самарали ўтди. У, докторлик диссертациясини ёзиб тамомлади. 1860 йилнинг бошларида, Петербургдаги Медико-хирургик академиядаги кафедрага ишга чақирилган вақтида, Сеченов профессорликка бутунлай тайёр бўлиб қолган эди.

Сеченов алкогольнинг одам организмига та'сир этиши ҳақидаги диссертациясини Петербургда катта муваффақият блан ёқлади. Шундан кейин Сеченовнинг самарали педагогик ва илмий фаолияти бошланиб кетди. Унинг лекциялари, айниқса тирик тўқималардаги электр ҳодисалари тўғрисидаги лекциялари Медико-хирургик академия студентларининг-гина эмас, талайгина врачлар ва табиёт фанларига қизиқадиган бошқа кишиларнинг ҳам диққатини ўзига жалб қилар эди.

И. М. Сеченов медицинадан олий ма'лумот олишга интилган ёш аёллар учун ўз лабораториясининг эшикларини кенг очиб қўйди. Сеченов бирнеча йигит ва қизни ўз атрофига тўплаб олди, улар ёш олимнинг раҳбарлигида илмий иш ўтказабошладилар. Шу йигит ва қизлар орасида Россияда биринчи аёл врач бўлиб етишган Суслова, кейинчилик ўша замоннинг йирик олимлари бўлган Пошутин, Тарханов ва бошқа бирқанча илғор кишилар бор эди.

Медико-хирургия академиясида асосан нерв системасининг ишлаш қонунларини очиш йўлидаги иш қизиб кетди. Сеченов раҳбарлик қилган физиология лабораториясида шундай иш бошланганлиги тасодифий эмас. Мамлакатнинг кўпгина отоқли илғор кишилари ва айниқса революцион демократлар — А. И. Герцен, В. Г. Белинский ва Н. Г. Чернишевский ўша вақтда нерв системасининг роли ҳақидаги масалага жуда қизиқиб қараган эдилар. Улар революцион дун'ёқарашни вужудга келтирмоқ учун табиёт фанларини ўрганиш керак деб билар эдилар. Сеченов айниқса Чернишевский блан яқиндан дўстлашди, унинг масалаҳатларига жон-жон деб қулоқ солди, унинг ғоявий дўсти ва издоши бўлди.

Ўша йилларда одам табиат э'тибори блан икки қисмдан иборат, жон танадан устун туради, руҳий ёки психик томон жисмоний ёки физик томондан принципиал фарқ қилади деган фикр ҳукм сурган эди. Бу фикр демократ революционер Чернишевскийнинг ва қурашчан материалист Сеченовнинг фикрларига зид келар эди. Шунинг учун ҳам И. М. Сеченов докторлик диссертациясининг тезисларидаёқ бош миянинг фаолияти-рефлекс тарзидаги фаолиятдир, деган фикрни илгари сурди. У, ихтиёрий ҳаракатлар деб аталадиган ҳаракатларнинг моҳият э'тибори блан рефлекслардан иборат эканлигини, я'ни ташқи таассуротга жавобан бўладиган ҳаракатлар эканлигини уқдирди. Сеченов кафедрадаги эксперименталь ишларида ҳам, реакция ноқулай шароит туғдирганлиги сабабли четэлга бориб қилган ишларида ҳам (1862 йил) бирқанча янги фактларни топди, бу фактлар бош мия фаолияти ҳақида унинг ўзи баён қилган материалистик фикрларни анча қувватлади. Сеченовнинг кашфиётлари шулардан иборат: биринчидан, бир хил кучдаги такрор та'сиротларда нерв системасининг жавоб реакцияси жуда ҳам кучайиши мумкин; бу — Сеченовнинг асосий кашфиётидир; иккинчидан, рефлекс тарзидаги ҳодисаларнинг марказда тўхталишини (тормозланишини) Сеченов ажойиб тажрибалар блан исбот этди. И. П. Павловнинг та'бири блан айтганда, бу кашфиёт рус мутафаккирининг физиологияга қўшган биринчи катта ҳиссаси бўлди.

И. М. Сеченов ана шу кашфиётига асосланиб, 1862 йилда «Бош мия рефлекслари» деган ажойиб асарини ёзди. Бу асарнинг дастлаб «Психологик ҳодисаларнинг келиб чиқиш усулларини физиологик жиҳатдан асослашга уриниш» деб аталганлиги унинг мазмунини жуда яққол кўрсатиб беради. Сеченовнинг мақоласи «Современник» журналида босиш учун тайёрланган эди, журнал редакцияси ҳам мақолага ўшандай ном берган эди, лекин цензура ўтказмаслигини назарга олиб, мақоланинг номини ўзгартишга тўғри келди. Кейинчалик цензура бу асарнинг «Современник» журналида босилишини умуман тақиқлаб қўйди.

Ма'лумки, 1863 йил реакциянинг ҳаддан ташқари кучаябошлаган вақтига тўғри келди: Чернишевский каторгага юборилган эди.

Сеченов асарининг босилиб чиқишини реакция ғазаб блан қарши олди. (Сеченовнинг асари дастлаб «Медицинский вестник» журналида босилган, сўнгра айрим китоб қилиб чиқарилган эди). Авторни ҳатто жиноий жавобгарликка тортмоқчи бўлдилар. Сеченов «қизил» профессор, «нигилистлар» йўлбошчиси деб ном чиқарди. Жаҳолатпарастлар пайтдан фойдаланиб, Сеченовни Медико-хирургик академиядан йироқлаштирдилар. Аммо буларнинг ҳаммаси Иван Михайловичнинг мустаҳкам иродасини букаолмади. Сеченовни судга берамиз деб дўқ қилганларида, у, бақаларимни судга адвокат қилиб олиб келаман ва ўз фикримнинг тўғрилигини бақа устида тажриба қилиб исбот этаман, деб жавоб берди.

И. М. Сеченовнинг «Бош мия рефлекслари»да баён қилган фикрларини бирқанча сотқин қаламкашлар бузиб кўрсатишга ва чиппакка чиқаришга уриндилар. Аммо реакцион публицист Кавелин ҳам, идеалист Страхов ҳам ўзларининг баён қилган фикрларида, мақолаларида ва ҳатто китобларида Сеченовнинг материалистик фикрларига биронта муҳим фикрни қарши қўйолмадилар. Сеченовнинг асари босилиб чиққандан 15 йил кейин ўша Кавелиннинг ўзи машҳур сан'атшунос Стасовга ёзган хатида психология соҳасида «энди физиологлар ҳамда Сеченов кўрсатган йўл блангина ишлаш мумкин...» деб айтди.

И. М. Сеченов бош мия фаолияти ҳақидаги фикрларини умрининг охиригача доимо кенгайтириб борди. Сеченовнинг «Психологияни ким қандай яратиши керак», «Фикр элементлари», «Таассурот ва воқи'лик» деган асарлари материалистик фикрларни чуқурлаштиради ва ойдинлаштиради. К. А. Тимирязев табиёт билимида Сеченовнинг жуда катта роль ўйнаганлигини та'кидлаб, Сеченов «илмий психология соҳасида қолаверса энг чуқур текширучидир», деб ёзган эди.

Нерв системасининг фаолиятини ўрганиш йўлида Сеченовнинг олиб борган текширишлари физиологиянинг шу соҳасида бутун бир давр очди. И. П. Павловнинг та'рифи блан айтганда, Сеченовнинг бу текширишлари «Сеченов фикрининг гениал равишда қулоч отиши» дан иборат. Сеченов физиологиянинг бошқа соҳаларида ҳам текширишлар ўткази

Пахтакор ўртоқлар! Ғўза парваришини қизғин давом этдириб, пахта йиғим-теримига тайёргарликни ҳам ҳартарафлама кучайтириб юборайлик!

Оржоникидзе районидаги Пушкин номли колхоз 7-нчи бригадасининг ўртоқ Р. Тошпўлатов бошлиқ звено а'золари ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Суратда: ўртоқ Тошпўлатов ғўза суғораётир.

И. Глауберзон фотоси.

☆ ☆ ☆

Оҳангарон районида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш сур'ати нега паст?

ДАБДАБАЛИ НУТҚЛАР ВА ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛ

— Шахтёрлар шаҳарининг аҳолисига мўл-кўл сабзавот ва картошка етиштириб бериш ватанпарварлик бурчимиздир, биз бу бурчимизни шараф блан бажарамиз, — деб мақтаниб юради Молотов номли колхоз раиси ўртоқ Барат Назаров.

Колхоз раҳбарларининг шундай ва'даларига ишониб областьда бўлган йиғилишлардан бирида Оҳангарон район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абдумалик Ўтабоев:

— Районимизда сабзавотчиликни ривожлантириш учун катта резервлар бор. Оҳангарон шаҳарига мўл-кўл сабзавот етиштириб бериш масаласини тезда ҳал қиламиз, — деб дабдабали ва'да берган эди.

Районда кўклам дала ишларига пухта тайёргарлик кўрилмади. МТСлар ва сабзавот экучи колхозлар моддий-техника воситалари блан етарлик та'мин этилмади. Умуман сабзавот, картошка экишда уюшқоқлик бўлмади. Экин экиш кечикиб, шошилинч тайёрланган ерларга пала-партишлик блан картошка, пиёз, сабзи, карам ва бошқа сабзавот экинлари экилабошлади.

Биз далани айланиб Молотов номли колхознинг 3-нчи бригадасига келдик. Колхоз раиси ўртоқ Назаровдан:

— Бу пайкалга қандай экин экилган? — деб сўрадик.

— Пиёз экилган бўлса керак, — раис иккиланиб жавоб берди.

Бу ерни ўт босиб кетгани учун эндигина ўсиб чиқабошлаган пиёзнинг бор-йўқлиги билинмас эди.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам аҳвол яхши эмас.

Шу хилдаги манзарани Ленин номли, Сталин номли колхозларда ҳам кўриш мумкин. Картошка, сабзавот етиштириш юзасидан берилган катта ва'даларнинг натижаси мана шундай.

Энди, ҳосилга келайлик. Ёзнинг ярми ўтиб кетди. Аммо район колхозлари етиштириб чиқарган бутун сабзавот миқдорини шу ўтган даврдги кунлар сонига тақсим қилинса, кунига бирнеча центнердангагина сабзавот тўғри келади. 1-нчи МТСнинг кўпчилик раҳбарлари, ҳатто бош агроном ўртоқ Оқил Набиев ҳам сабзавотчиликдан яхши тажрибага эга эмаслигини баҳона қилади. Бу иш блан бевосита МТСнинг агрономи ўртоқ Зикрилла Файзуллаев шуғулланиши керак. Броқ унинг раҳбарлик фаолияти фақат сводкалар тўплаш, қисоботлар топширишдан иборат бўлиб қолган. Қачон бирор йиғилиш бўлиб қолса, ёки район раҳбарлари блан учрашиб қолса, «ишимиз ёмон, экинлар парваришсиз қолиб кетмоқда» деб зорланишдан нарига ўтмайди. Шундай қилиб, районда сабзавот маҳсулотлари етиштириш проблемаси район ижроия комитети раиси ўртоқ Ўтабоев айтганича ҳал бўлгани йўқ.

ҒЎЗАЛАР ЯХШИ ПАРВАРИШ ҚИЛИНМАЕТИР

Қуйбишев номли колхознинг 1-нчи бригадаси даласида ғўзалар бўлиқ ҳосилга киираётир. Колхоз комсомол комитетининг секретари ўртоқ Эргаш Назаров бошчилик қилаётган бу комсомол-ёшлар бригадаси а'золари 120 гектар майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бригаданинг ҳар гектар ерида 85—90 минг туп ғўза бор.

Каганович номли колхозда комсомол а'зоси Шарофат Азизова бошлиқ звенода юқори ҳосил учун кураш аниқса яхши уюштирилган. Бошқа бирқанча бригада, звенолар ҳам мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Оҳангарон район колхозлари бу йил 2500 гектардан ошиқ майдонга чигит экдилар. Илғор пахтакорлар агробиология фани янгиликларидан фойдаланиб юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Лекин ҳамма колхозларда ҳам аҳвол дуруст деб бўлмайди. Сводкадаги рақамларда 5-нчи культивация тугалланган, аммо Калинин номли, Серго номли ва Охунбобоев номли колхозларнинг пахта далаларида ғўзаларнинг кўпи яхши ўсмаган, нимжон, ҳосили кам, бунинг устига парвариш сифатсиз бўлганидан ғўзаларни ўт босиб кетган. Аниқса Охунбобоев номли колхознинг (раиси ўртоқ Ҳолиқулов) айрим бригадаларида ғўзалар сийрак, сувдан қолдирилгани учун гуллари, кўсаклари тўкилмоқда. Серго номли колхоз раҳбарлари (раиси ўртоқ Пардаев) ҳам пахтачиликка етарли эътибор бермаётирлар.

Оҳангарон район пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 24 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Лекин июль ойи давомида ғўзага ишлов бериш юзасидан белгиланган график бирор бешкунликда ҳам бажарилгани йўқ. Август ойининг биринчи ўнкунлигида ғўза парвариши яна сусайиб кетди, аниқса трактор паркининг иши ёмон. 30 та трактор ишлаётир деб ҳисоблайдилар, далада эса 12—13 тадан ошиқ трактор кўринмайди. Ҳозирги даврда ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш учун астойдил ҳаракат қилинмаса олинган мажбуриятга яраша ҳосил етиштирилмайди, натижада план бажарилмай қолади!

ЕМ-ХАШАК ҚАЧОН ЖАМҒАРИЛАДИ?

Каганович номли колхоз (раиси ўртоқ Қўшоқов) областьдаги йирик чорвадор колхозлардан бири ҳисобланади. Лекин 1300 гектар майдондаги беда ва пичандан эндигина 310 гектар ўрилган. Ўрилган ва жамғарилган хашак аниқ ҳисобга олинмайди. Оторларда, фермаларда хашак жамғарилган, деб сводка берадилар, аммо бу жамғарилган хашакнинг миқдори, молларга етиш-етмаслиги аниқ эмас.

Ем-хашак жамғариш блан банд бўлган колхозчилар, механизаторлар ўртасида меҳнат интизоми бўш, шунинг учун меҳнат унуми паст. Хашак жамғаришда отулов кучидан унумсиз фойдаланилмоқда.

Серго номли колхозда ҳар гектар ердан 4,5 центнердан беда ўриб олинган, холос.

Бу колхозда ҳам МТС кучи блан хашак ўриш ва жамғариш графиклари доим бажарилмай қолмоқда.

Пичан ўриш ва жамғаришда механизациядан фойдаланишда содир бўлаётган нуқсонлар райондаги ҳамма раҳбарларга ма'лум. Мана бир факт. Оҳангарон МЧСнинг «Гулбоғ» совхозидан келтирган трактор сенокосилкаси Ленин номли колхозда атиги 12 кун ишлаб кетган. Колхознинг ферма мудири Мелибоев бўлса «40 кун ишлади» деб справка берган. Андреев номли колхоза МЧСнинг бир трактор сенокосилкаси 18 кунда фақат 1,5 гектар ерда пичан ўрган. Бундай фактларни Куйбишев номли ва бошқа колхозларда ҳам учратасиз.

Пичан ўриш ва жамғаришда бошиданоқ кўзбўямачилик фактлари рўй бермоқда. Андреев номли колхоз раҳбарлари 323 тонна пичан-беда жамғарилди деб ма'лумот берганлар. Текшириш натижасида фақат 88 тонна пичан жамғарилганлиги аниқланди. Ленин номли, Юсупов номли колхозларда йиғилган пичан хатто талон-торож қилинмоқда.

Ем-хашак жамғаришдаги уюшқоқсизлик натижасида биринчи ва иккинчига район бўйича пичан ўриш ва жамғариш плани 31,5 процент бажарилди, халос.

МЧСНИНГ НОМИ БОР-У ЎЗИ ЙЎҚ

Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг ҳисоботида: «Оҳангарон районида МЧС бор» деб ёзиб қўйилган. Амалда эса бу ташкилотнинг номи бор-у, ўзи йўқ. МЧС директори ўртоқ Ильин блан суҳбатлашсангиз, коп-коп шикоятларни эшитасиз.

— Ишимиз дуруст эмас, — дейди директор, — ҳали ҳам ташкилий даврдан чиққанимиз йўқ. МЧСга Ўртачирчиқ МТСидан 5 та эски трактор берилди. Булар тез-тез бузилиб қолади. МЧС учун бино, хизматчилар учун уй, трактор парки ва бошқа қуриш масаласи ҳали ҳам ҳал бўлгани йўқ. Доимий ишчиларимиз йўқ.

Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Молчанов Оҳангарон районига борганда бу МЧС иши блан ҳам танишди. Ундаги нуқсонларни тугатиш учун чоралар кўришга ва'да қилди, лекин МЧС ишида ҳозиргача бирор ўзгариш бўлгани йўқ. Белгиланган планлар бажарилмай, иш ўлда-жўлда бўлиб қолмоқда. Район партия комитети ва район ижроия комитети ҳам МЧС ва унинг иши тўғрисида ғамхўрлик қилмаётир.

КОЛХОЗ КАДРЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ МУҲИМ ИШ

КПСС Марказий Комитетининг сўнги уччала пленумида ҳам қишлоқ хўжалик кадрларини танлаш ва тарбиялаш партия ташкилотларининг жуда муҳим вазифаси эканлиги алоҳида та'кидланган.

Колхоз раиси йириклашган хўжаликни бошқаришда хал қилучи фигурадир. Шундай бўлишига қарамай Оҳангарон районида колхоз кадрларини танлаш ва тарбиялашда жиддий нуқсонларга йўл қўйилган.

2-нчи МТС зонасидаги Юсупов номли колхозга бирнеча йилдан буён ўртоқ Ҳ. Ийлдошев раислик қилиб келади. У, деҳқончилик илмидан яхши хабардор эмас. Кўп тормоқли бу колхоз иши блан дурустроқ танишган киши унинг йил сайин қолоқ бўлиб келаётганлигини тезда билиб олади. Кўпинча колхозда ҳосил етиштириш плани бажарилмай қолади. Бунинг сабаби — раиснинг хўжаликни ҳозирги талабга мувофиқ бошқараолмаётганидадир.

Район раҳбарлари, биринчи навбатда район партия комитетининг секретарьлари А. Зиёев, А. Е. Драгин ўртоқлар бу раисни мажлисларга чақириб, ёки шахсий суҳбатларда «сиз ёмон ишлаётирсиз, раҳбарликни эплайолмаётирсиз» деб та'на қилишдан нарига ўтмайдилар. Очиқроғини айтганда, улар ишни доимо барбод қилиб келаётган айрим колхоз раисларига нисбатан келишучилик қилиб келмоқдалар, КПСС устави томонидан қаттиқ қораланган ошна-оғайнигарчилик йўлини тутмоқдалар.

МТС — колхоз ишлабчиқаришининг мустаҳкам таянчидир. Юсупов номли колхозда МТСнинг (директори Кушкин) раҳбарлик ва ташкилотчилик роли расмиятчиликдан нарига ўтмаётир. Йил бошида «қолоқ колхозга ёрдам» деб бу колхозга 2 та НАТИ трактори ажратилди. Унинг биттаси ҳали МТС паркидан чиққани йўқ, иккинчиси колхозда бузилиб ётипди.

Ўртоқ Абдураҳмонов жуда билимдон раислардан ҳисобланади. Лекин у раислик қилаётган Калинин номли колхоз хўжалигининг бирор соҳасида ҳам иш дуруст эмас. Ем-хашак жамғариш графиги системали бажарилмай қолмоқда, ғўза парвариши ёмон бормоқда, каттагина майдондаги галла ўриб-йиғиб олинмаган, чорвачилик плани ҳам бажарилмаган. Чорва маҳсулоти топширишга бутунлай эътибор берилмаётир. Ўртоқ Абдураҳмоновнинг раҳбарлиги буйруқлар ёзиш, ма'муриятчилик қилишдан иборат бўлиб қолмоқда. Бундай ҳоллларни кўплаб учратиш мумкин.

Район партия комитети колхоз раҳбар ходимларини танлаш ва тарбиялаш иши блан шуғулланмай қўйган. Колхоз раҳбар кадрларини ўқитиш, уларга қишлоқ хўжалик фани ва илғор хўжаликларнинг тажрибаларини қунт блан ўргатиш иши йўлга қўйилмаган.

МТС кадрларини танлаш соҳасида ҳам шундай манзарани кўриш мумкин. 2-нчи МТСда Қодиров деган киши бироз агроном бўлиб ишлаб, кейин бўшаб кетди. 1-нчи МТСда ўртоқ Андреевни бош инженер қилиб қўйдилар. 8 ойдан кейин ўртоқ Андреевнинг нўноқлиги ма'лум бўлиб, вазифасидан олинди. Районда 32 та агроном бор, буларнинг кўпи ёш, ишга янги келган ва ёрдамга муҳтож кишилардир. Улар ўртасида снёсий-тарбиявий ишлар изчиллик блан олиб борилмаётир.

— Биз колхоз ишига янги келдик, — дейди агроном ўртоқ Саидбеков, — лекин МТС раҳбарлари ҳам, район раҳбарлари ҳам бизга яқиндан ёрдам бермайдилар.

Ёш агрономнинг талаби ўринли Куйбишев номли колхозда ишлаётган агроном ўртоқ Мусобеков бу ишга келгандан буён фақат раиснинг «ёмон ишлаётирсиз» деган та'насидан бошқа бирор тайинли маслаҳат олгани йўқ.

ҲАМОН ЭСКИЧА РАҲБАРЛИК

Кейинги ойларда район партия комитетида ва район ижроия комитетида, МТС ва қишлоқ советларида бўлган йиғилишларда қишлоқ хўжалигига оид 123 та масала муҳокама қилинди. МТС зонал секретарьлари Ш. Набиев, Ўтамалиев ўртоқлар ҳам анчагина нутқ сўзладилар. Лекин ҳамон қишлоқ хўжалик ишида жиддий ўзгариш бўлаётгани йўқ.

Тошкент область партия комитетининг шу йил июнь ойининг биринчи ярмида Оҳангарон районида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида чиқарган қарорида бирқатор муҳим тадбирлар белгиланган эди. Бу қарорни бажаришда область қишлоқ хўжалик бўлими ҳам, область сув хўжалиги бўлими ҳам жуда сусткашлик кўрсатмоқдалар. Аниқса МТС ва МЧС ишини яхшилаш, суғориш тармоқларини тартибга келтириш, ердан фойдаланишдаги нуқсонларни тугатиш учун жиддий чоралар кўрилгани йўқ.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига таянмай, умумий юзаки раҳбарлик қилмоқда.

Раҳбарлар қишлоқ ва колхозларга тез-тез бориб турадилар. Аммо ишда жиддий бурилиш сезилмайди. Демак, раҳбарлик юқори савияда бўлмаётир. Райкомнинг 1-нчи МТС вонасидаги секретари ўртоқ Ш. Набиев қишлоқ хўжалик соҳаси блан яхши таниш бўлмагани учун, у, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилмаётир.

Оҳангарон райони областимизнинг йирик ғаллакор, чорвадор районидир. Бу ерда пахтачиликни ҳам ривожлантириш учун жуда катта имконият бор. Лекин районда қишлоқ хўжалиги жуда секин ривожланмоқда. КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари асосида Оҳангарон районида қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кескин ривожлантириш учун зарур тадбирлар изчиллик блан амалга оширилиши керак.

Т. ОРИПОВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Мусобақадошлар

Темир йўлдан ўтганингиздан кейин, нариги томонида 6-нчи бригаданинг кенг катта бедазори бошланади. Бедазор ёнида пахта даласи ясланиб ётади. Биз ҳаржой-ҳаржойга қуруқ беда ғарам қилиб қўйилган бедазор ўртасидаги ёлгизоёқ йўлдан бригада дала шийпони томон бормоқдамиз. Сахий қуёш ўзининг заррин нурларини атрофга аямай сочади... Ғир-ғир эсаётган майин шабада ғўза қатор ораларига ишлов бераётган фидокор чопиқчи йигит ва қизларнинг шод меҳнат яллаларини биз томон учириб келмоқда...

Биз дала шийпонига етиб борганимизда, бригада бошлиғи коммунист ўртоқ Анвар Эгамназаров колхозчиларнинг олдидан энди қайтган, яхна чой ичиб дам олиб турган экан. У киши блан кенг майдондаги ғўзаларни кўздан кечирабошладик.

— Бригадамиз а'золари ўтган йили давлатга ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили топширган эдилар, — деди ўртоқ А. Эгамназаров бизни биринчи звено пахта даласи томон бошлаб бораркан, — бу йил эса, 64 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш мажбуриятини олганлар. Ана шу шарафли ва мас'улиятли вазифани бажариш учун барча куч ва имкониятларни ғўза парваришига қаратганмиз. Бригадамизда 68 та колхозчи бўлиб, улар 5 та пахтачилик звеносига бирлашган.

Ана, ўнг кўлда кенг пахтазор. Бу майдондаги ғўзалар, коммунист ўртоқ Раҳмон Каримбеков бошлиқ биринчи звенога тегишли. Звенонинг азамат пахтакорлари ўтган йили 13 гектар майдонинг ҳар гектаридан 52 центнердан ҳосил олган эдилар, «60 центнердан пахта топширамиз!» — звено а'золарининг бу йилги аҳдлари ана шундай. Меҳр блан парвариш қилинаётган ғўзалар ёз шабадасида мовий денгиз каби мавжланади. Эгатларда бирорта ҳам бегона ўт кўринмайди. Соғлом, барқ уриб ўсаётган ғўзаларнинг баргидан шонаси, гул ва кўсаги кўп. Пушти ва оқ рангли гуллар, ҳар бири ёнғоқдан катта яшил рангли бўлиқ кўсаклар блан безанган ғўза тупларини кўриб завқланасан, киши! Ўртоқ Р. Каримбеков бошлиқ звено пахта далаларидаги ғўзалар пахтакорларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли ана шундай ривожланмоқда.

Ғўза парваришининг ва ҳосил тўплашнинг ҳал қилучи даврида 6-нчи бригаданинг ғўзалари 4-нчи кетман чопиги, 6-нчи от ва трактор культивациясидан чиқарилди, 2 марта қондириб суғорилди ва минерал ҳамда маҳаллий ўғитлар аралаштириб озиқлантирилди. Бригададаги 68 та колхозчининг ҳаммаси ҳам ғўза каби илғор колхозчилар соатлик график асосида ишлаб, ҳар куни 0,20 — 0,25 гектар майдондаги ғўзани юқори сифатли қилиб чопиқ қилмоқдалар ва ғўза парваришида кундалик нормаларини 2 — 2,5 марта ошириб бажармоқдалар. Бригада пахта майдонидаги ҳар туп ғўзада ҳозир ўрта ҳисобда 10 — 13 донадан бўлиқ кўсак бор.

Ўртоқ Эгамназаров бошлиқ бригадада универсалчи Иван Спиваков хизмат қилади. Ўртоқ Спиваков минггектарчи механизаторлар ҳаракатига қўшилиб, шу кунгача ўз «универсал»и блан 1000 гектардан ортиқ майдондаги ғўзани сифатли культивация қилиб берди ва 200 килограммдан ортиқ ёқилғи тежади.

Колхознинг коммунист ўртоқ Солиҳ Рихсиев бошлиқ 9-нчи пахтачилик бригадаси а'золари 6-нчи бригада пахтакорлари блан пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 50 центнердан ҳосил етиштириб бериш мажбуриятини олдилар. Мусобақадош иккала бригадада ҳам баҳор фаслида ўзаро текшириш группаси тузилган эди. Бу группалар ғўза парваришидаги камчиликларни ўз вақтида тугатиб, мўл ҳосил учун курашда бригадаларга катта ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Яқинда 6-нчи бригаданинг ўзаро текшириш бригадаси а'золари мусобақадош бригада пахта далаларида бўлиб, айрим жойлардаги ғўзаларга ўргимчаккана тушганини аниқладилар. Ғўзалар тезда бригада механизаторлари ёрдами блан зараркунандалардан тозаланди. Қўшимча ишлов бериш натижасида ўсишдан қолган ғўзалар олдинги қатордаги ғўзаларга етказиб олинмоқда.

Август — ҳосил тўплаш ва уни сақлаб қолишда мас'улиятли давр ҳисобланади. Шу кунларда ғўзаларни тўғри ва қондириб суғориш жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам ҳозир иккала бригада ғўзалари кечасию-кундузи най усулида суғорилмоқда.

Мусобақадош бригадаларнинг пахтакорлари ғўзаларни чопиш, суғориш ва озиқлантиришни давом этдирмоқдалар. Кўпчилик майдондаги ғўзалар чеканка қилиниб бўлди.

Йил сайин пахтадан мўл ҳосил олаётган иккала бригада ҳам Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш ҳуқуқини олди.

КПСС Марказий Комитеги июнь Пленумининг қароридан илҳомланган Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг мусобақадош 6-нчи ва 9-нчи бригадаларининг ватанпарвар пахтакорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятни социалистик революциянинг 37 йиллигига бажариб, республикамизнинг шонли 30 йиллик юбилейини муносиб совғалар блан кутиб олиш учун ҳозирги кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Текис кўсаклаётган ғўзалар олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил бўлишидан дарак беради.

М. АҲМЕДОВ,

А. АЛИЕВ.

Пахта далаларининг илғорлари

ЯНГИЙЎЛ район Свердлов қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозида хизмат қилаётган кекса универсалчи ўртоқ Эргашали Юсуфалиев ҳозиргача 1300 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилишга эришди. У, мавсум бошидан бери 700 килограмм ёнилғи тежади.

Уста универсалчининг ғўза қатор ораларини ишлашдаги илғор тажрибаси бошқа универсалчилар ўртасида ҳам кенг ёйилмоқда.

К. ҒУЛОМОВ.

* * *

ЧИНОЗ районидаги 1-нчи МТСнинг универсалчиси ўртоқ Суннатали Мадалиев ўртасаройли илғор механизаторларнинг чақиригига қўшилиб, мавсумда 1300 гектар ердаги ғўзани парвариш қилиш мажбуриятини олган эди. Ўртоқ Мадалиев ўз мажбуриятини бажариш учун астойдил курашиб, шу вақтгача 1350 гектар ердаги ғўза қатор ораларини культивация қилди. Илғор универсалчи яна 250 гектар ердаги ғўзани ишлаб бериш учун қўшимча мажбурият олди.

М. МИРСОАТОВ.

* * *

«Ўзбекистон ССР бешиллиги» Совхозидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Шермат Қодиралиев бошлиқ илғор бригада а'золари фидокорона меҳнат қилиб барча майдонларда ғўзаларнинг мўл ҳосил тўплашига эришдилар. Бригада а'золари эришилган даст лабки муваффақиятни мустаҳкамлаш мақсадида ғўза парваришини август ойида ҳам тинмай давом этдирмоқдалар. Бригадада аниқса суғоришга катта эътибор берилмоқда. Суғориш ишини Э. Бобоёров, А. Нуриддинов, А. Мастонов сингари тажрибали сувчилар олиб бормоқдалар.

К. ПЕРШЕЕВ.

* * *

ГУЛИСТОН районидаги Молотов номли колхознинг ўртоқ Ф. Ҳасанов бошчилик қилаётган бригадаси колхозда илғор бригадалардан ҳисобланади. Бригада а'золари 51 гектар ернинг ҳарбир гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Бригадада ҳосил тўплаш ойлиги яхши натижалар блан якунланди. Ҳозир ҳарбир туп ғўзада 10—12 тадан бўлиқ кўсак бор.

Меҳнатсевар колхозчилар бутун август ойи давомида ҳам ғўза парваришини давом этдиришга қарор қилиб, шу кунларда фидокорона меҳнат қилаётирлар.

С. ҚУДРАТОВ.

* * *

ОҚҚЎРҒОН районидаги Ворошилов номли колхоз а'золари Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун мусобақалашиб, ғўза парваришини тинмай давом этдирмоқдалар. Бу мусобақада колхоз ўртоқлар бошлиқ бригадалари олдинда бормоқда. Улар механизаторлар блан яқиндан ҳамкорликда ғўзанинг мўл ҳосил тўплашига эришдилар. Чеканка ўз вақтида тугалланди. Кўсаклар бўлиқ ва тўқ бўлиб етишмоқда.

М. ЭРЖИГИТОВ.

Ғўза парваришини қизғин давом этдирмоқдалар

Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг ўртоқ Мамадали Эргашев бошчилик қилаётган 5-нчи бригада а'золари 70 гектар пахта майдонининг ҳарбир гектаридан 45 центнердан оқ олтин ҳосили олиш учун пахта далаларида фидокорона меҳнат қилиб, ҳарбир туп ғўзани меҳр блан парвариш қилмоқдалар.

Бригада а'золари 1 августгача ўтган давр ичида ғўза қатор ораларини 5 марта чопиқ, 6 марта культивация қилиб, 4 марта най усулида қондириб суғордилар, ҳар гектар ерга 150 килограммдан минерал ўғит солиб 2 марта озиқлантирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарори бригада а'золарининг ғайратларини янада ошириб юборди. Бригада барча ишларни Пленум қарори асосида қайта ташкил этиб, звено системасини тўла йўлга қўйди ва меҳнат интизомини мустаҳкамлади.

Ғўзалар биртекис ривожланиб, ҳарбир ғўза тупида кўплаб шона, гул ва 8 — 9 тадан бўлиқ, соғлом кўсаклар ҳосил бўлди. Шу блан бирга мўл ҳосил етиштиришнинг энг муҳим тадбирларидан бири бўлган ғўза чеканкаси ҳам қулай агротехника муддатида тугалланди.

Бригада а'золари ҳосилга-ҳосил кўшиш ойи бўлган август ойида 70 гектар пахта майдонини яна 1,5 марта комплекс парвариш қилиш учун махсус график тузиб, шу график асосида ишламоқдалар.

Бригада а'золари ўртасида Ўзбекистон ССРнинг шонли 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Нажиба Нусратова, Чинор Умурзоқова, Жўрабой Омонов ва Карима Зиёвиддинова каби комсомол-ёшлар кунлик иш нормаларини 1,5—2 ҳиссадан адо этиб, мусобақада олдинда бормоқдалар.

Шу бригадада хизмат қилаётган ёш универсалчи ўртоқ Абдураҳмон Абдужабборов ўз «универсал»ининг олдига шчит ўрнатиб, кунига 12—13 гектар майдондаги ғўза қатор ораларини культивация қилмоқда.

Колхоз правлениеси, июль ойини намунали якунлаб, ғўза чеканкасини агротехника муддатида юқори сифатли қилиб тамомлаган ва август ойида ҳам ғўза парваришини қизғин давом этдираётган бу бригадага колхознинг бригадаларароҳ кўчма Қизил байроғини беришга қарор қилди. Бригада а'золари кўчма Қизил байроқни ўз қўлларида доимий сақлаб қолиш учун янада зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

Т. РЎЗИБОЕВ.

Ҳосилга ҳосил қўшиш учун

Верхне-волинск район Нурматобод қишлоқ советидаги Свердлов номли колхоз а'золари паст бўй ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, шу кунларда ҳарқачонгидан кўра фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Колхознинг Синдар Сангиров бошчилик қилаётган бригада а'золари бу йил 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Бу бригаданинг барча участкасидаги ғўзалар яхши ривожланиб, барвақт ҳосилга кирди.

Химизатор Т. Ербекова ҳашоратларга қарши курашиб, зарарли ҳашоратларнинг тарқалишига йўл қўймаётир. Бригада а'золари ғўзани қондириб суғоришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ғўзани чеканка қилиш жуда сифатли ўтди. 5 августгача чеканка сифатли ўтказиб олинди.

Ғўза қатор ораларига а'ло сифатли ишлов беришда бригада а'золаридан Мусулмон Муқимов, Бўрон Қўшбоқов, Робия Нурматова ва Ниҳол Шерқўзиевалар ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Шунингдек 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан оқ олтин етиштириш мажбуриятини олган ўртоқ Сафар Жуманов бошчилик қилаётган бригада а'золарининг ғўзалари ҳам шу кунларда серкўсак бўлиб ўсмоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Бригадаларароҳ хирмонлар қурилиши

Оққўрғон пахтакорларидан ибрат олиб, областимиз колхозлари бригадаларароҳ хирмонлар қурилишини ривожлантирмоқдалар. Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда иккита шундай хирмон қурилди. Бу хирмонларнинг ҳарқайсиси 600 квадрат метрдан иборат. Бригадаларароҳ хирмонларда йирик сушилкалар, пахтани сортировка қилиш учун махсус майдонлар, пахтани сақлаш учун омборлар ва бостирмалар қурилган. Колхоз правлениеси бригадаларароҳ хирмонларда пахтанинг намлиги ва ифлосланиш даражасини аниқлайдиган лабораториялар, қопқанорларни ремонт қиладиган мастерскойлар барпо этишга қарор қилди.

Тажриба, бригадаларароҳ хирмонларнинг ташкил этилиши пахтани сортировка қилиш ва тайёрлаш пунктларига жўнатиш ишларини тезлатишга имкон берганлигини, пахта ташучи колхозчилар сонини икки баравар камайтирганлигини, автомашиналар ва бричкалар қатновини оширганлигини кўрсатди.

Бу йил область колхозлари пахта йиғим-терими даврига қадар 690 та бригадаларароҳ хирмонларини ташкил этадилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 10 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	4-нчи Чопиқ	4-нчи суғориш	Чеканка
Оққўрғон	76,3	85,0	91,6
Оҳангарон	33,2	69,6	20,8
Бекобод	63,5	46,5	70,7
Бўка	80,0	55,8	81,8
Верхне-волинск	61,2	56,6	93,8
Юқоричирчиқ	91,2	85,5	47,3
Гулистон	86,2	52,0	100,0
Калинин	86,4	56,0	97,2
Мирзачўл	69,8	33,9	100,0
Октябрь	53,5	89,0	66,8
Оржоникидзе	100,0	92,9	83,1
Паркент	4,1	14,4	—
Пискент	39,8	70,4	52,2
Ўртачирчиқ	86,0	80,0	78,5
Сирдар'ё	87,2	29,8	100,0
Ўртасарой	86,8	68,9	63,2
Ҳовос	45,8	58,7	35,8
Чиноз	68,9	21,5	76,0
Янгийўл	94,6	45,7	61,8

БУЮҚ БРИТАНИЯНИНГ ЭЛЧИХОНАСИДА ЗИЁФАТ

Кеча, 11 августда Буюк Британиянинг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси сэр Уильям Хэйтер Англия лейбористлар партиясининг К. Эттли жаноблари бошлиқ делегациясининг Хитой Халқ Республикасига кетатуриб, Москвада тўхтаб ўтиши муносабати билан зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан: Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, А. Я. Вишинский ўртоқлар, Москва Советининг раиси М. А. Яснов ҳозир бўлдилар.

Англия томонидан зиёфатда Англия лейбористлар партияси делегациясининг а'золари: К. Эттли жаноблари, Э. Бивен жаноблари, Э. Саммерскилл хоним, У. Бэрк жаноблари, М. Филлипс жаноблари, С. Уотсон жаноблари, Г. Эрншоу жаноблари ва Г. В. Франклин жаноблари ҳозир бўлдилар.

Шунингдек зиёфатда: Канаданинг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси Д. Б. Уоткинс жаноблари ҳамда Покистоннинг СССР даги Муваққат ишлар Вакили М. С. Бэйг жаноблари ҳам бор эдилар.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Корея озод қилинган кунинг тўққиз йиллиги олдидан

ПХЕНЬЯН, 11 август. (ТАСС). Совет Армияси томонидан Кореянинг озод қилинганига тўққиз йил тўладиган кунни байрам қилмоқ учун Корея Халқ Демократик Республикасида катта тайёргарлик кўрилмоқда. Шу улуғ кунга бағишланиб Пхеньянда, вилоят ва уезд марказларида, қишлоқларда лекциялар ва суҳбатлар ўтказилмоқда, фотовиставкалар ташкил қилинмоқда.

Бугун Шимолий Кореяда совет фильмлари фестивали бошланади ва бу фестиваль 28 августга қадар давом этади.

Корея ёзувчилари, шоирлари, композиторлари, рассомлари ҳам байрамга тайёрланмоқдалар. Адабиёт, музика ва тасвирий сан'ат соҳасида эн яхши асарлар ёзиш учун озодлик куни шарафига конкурс ташкил қилинди.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари қатнашчиларини танлаш кўриклари тугади. Бу кўрикларда эллик мингдан кўпроқ киши қатнашди. Якунловчи кўрик август ойининг иккинчи ярмигача Пхеньянда ўтказилади. Пхеньяндаги қайтадан тикланган стадионда 12—16 августда енгил атлетика, футбол, баскетбол, волейбол ва миллий кураш бўйича Бутункорея спартакиадаси ўтказилади.

Индонезия агрессив блокларда иштирок қилмайди

ЖАКАРТА, 11 август. (ТАСС) Индонезия бош министри Састроамижойо, Индонезия Шарқи-Жанубий Осиёда Қўшма Штатлар тузмоқчи бўлган пактда иштирок қилмайди ва шу пактни тайёрлаш учун чақириладиган конференцияга ҳеч кимни юзатучи қилиб юбормайди, деб айтган эди. Унинг бу гаплари ҳамма газеталарда босилиб чиқди.

«Берита Индонезия» газетаси ўзининг бугунги бошмақоласида Индонезия ҳукуматининг шу тутган йўлини қизғин суратда қутлайди ва аҳолини хушёр бўлишга ҳамда Америкانинг агрессив планларини амалга оширишга йўл қўймасликка чақиради. «Биз, — деб ёзади, газета, — Осиё халқлари билан чинакам дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатишимиз лозим. Биз тинчлик негизларини қуришимиз ва бу ишда Ҳиндистон, Индонезия, Бирма, Хитой Халқ Республикаси ва Вьетнам синғари мамлакатлар муҳим роль ўйнашлари лозим».

Маориф ходимлари халқаро федерациялари мувофиқлаштириш Комитетининг XIX сессияси ўз ишини тамомлади

11 августда Москвада маориф ходимлари халқаро федерациялари мувофиқлаштириш Комитетининг ўнтўққизинчи сессияси ўз ишини тамомлади. Сессиянинг мажлисларида Франция, Англия, Хитой, Швейцария, Голландия, Италия, Бельгия, Чили, Индонезия, Германия Демократик Республикаси, СССРдаги ўқитучилар ҳаракатининг отоқли арбоблари иштирок қилдилар. Мувофиқлаштириш комитетининг раиси А. М. Госсар, Комитет бош секретари Эмиль Омбурже ва бош секретарь ўринбосари Мария-Луиза Кавалье матбуотда э'лон қилмоқ учун қуйидаги баёнотни топширдилар.

Маориф ходимлари халқаро федерацияларнинг мувофиқлаштириш Комитети ўзининг ўнтўққизинчи сессиясида маориф ходимлари Хартиясининг текстини қабул қилди. Маориф ходимларидан етти миллионга яқин кишини бирлаштируччи уч та'сискор федерация — ўрта мактаб ўқитучилари халқаро федерацияси (ЎМЎХФР), бошланғич мактаб ўқитучилари халқаро федерацияси (БМЎХФ) ва маориф ходимлари касаба союзлари халқаро федерацияси (МХҚСХФ) шу Хартияни яқдиллик билан ма'қулладилар.

Ўнбеш моддадан иборат бу Хартия маориф ходимларининг ҳуқуқларини ва вазифаларини белгилаб беради ҳамда маорифни яхшилаш учун зарур бўлган, тинч ва бахтли келажакни вужудга келтириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга ёшларни салоҳиятли қилиб тарбиялашга амалий равишда хизмат қилаолиши мумкин бўлган шароитларни белгилаб беради.

Жаҳоннинг турли қисмларидан келган маориф ходимлари биринчи марта ўлароқ ягона текст бўйича битимга келдилар, бу битимда маорифнинг энг юксак мақсадларини амалга оширишнинг ҳамма зарур шартлари конкрет равишда белгилаб берилди. Ўқитучилар федерацияларининг вакиллари ҳамда мувофиқлаштириш Комитети бюросининг а'золари Хартия текстини тантанали вазиятда имзоладилар.

Бу фактнинг алоҳида аҳамияти бор, чунки ўз тузилиши ва тенденциялари жиҳатидан турлича бўлган федерациялар орасида тўла яқдиллик билан битимга келинди.

Мувофиқлаштириш Комитетининг мажлислари ҳамжиҳатлик ва дўстлик вазиятида ўтди, РСФСР бошланғич ва ўрта мактаб ходимлари касаба союзи мажлис қатнашчиларини самимият билан кутиб олганлиги мана шундай вазият вужудга келишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Шу билан бир вақтда, мувофиқлаштириш Комитети ўқитучиларнинг халқаро алоқаларини кенгайтириш тўғрисидаги ҳамда мувофиқлаштириш Комитетининг ҳукуматлараро ташкилотлар (БМТ, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат бюроси, Халқаро маориф бюроси) билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги икки резолюцияни яқдиллик билан қабул қилди.

Мувофиқлаштириш Комитетининг касабачилик плани соҳасидаги ва маорифни ҳимоя қилиш соҳасидаги ишлари муваффақиятли бўлиб чиққанлиги, дейилади баёнотнинг охирида, ёшларнинг манфаатларини ва келажагини ҳимоя қилишни ўзлари учун энг муҳим вазифа деб ҳисобловчи яхши ниятли кишиларнинг сиёсий маслаклари қандай бўлишидан қат'ий назар, улар ўртасида битимга келиш ҳамма вақт мумкин эканлигини кўрсатди. (ТАСС).

Франция Миллат мажлисида

ПАРИЖ, 11 август. (ТАСС). Миллат мажлисининг кеча кечқурунги мажлисида ҳукуматнинг Тунисдаги сиёсат тўғрисидаги интерпелляцияларни муҳокама қилишни 27 августга қолдириш ҳақидаги талаби кўриб чиқилди. Интерпелляцияларнинг авторларига сўзлаш учун бирнеча минутгина вақт берилди. Броқ, бу масалани муҳокама қилиш ярим кечагача чўзилиб кетди. «Социал республикачилар» Дрон ва Ренжар, «мустақил республикачи» Килиси ва бошқа ўнг депутатлар Мендес-Франс ҳукумати томонидан Тунисда музокаралар олиб борши сиёсати ўтказилаётганлиги муносабати блан бу ҳукуматга қарши ҳужум қилиб гапирдилар. Собиқ ички ишлар министри Мартино-Депла сўзга чиқиб, кутилмаган гапларни айтди ва «Нео-Дастур» партияси вакилларининг Тунис ҳукуматида иштирок қилишига қарши э'тироз билдирди.

Ҳукумат бошлиғи Мендес-Франс мазкур нотиқларга мунозара тариқасида жавоб қайтариб, киритилган интерпелляцияларнинг муҳокама қилинишини кечиктириш масаласининг овозга қўйилиши ўзининг аҳамияти жиҳатидан ҳукуматнинг Тунисдаги сиёсатини ма'қуллаш блан баробар деб ҳисоблайман, деб уқтириб ўтди. Мендес-Франс, «Нео-Дастур» партияси Тунис ҳукуматида иштирок қилиши керак, деди.

Сўнгра, коммунист депутат Мальерэ-Жуэнвильга сўз берилди. У, коммунистлар интерпелляцияларнинг муҳокама қилинишини кечиктиришни ёқлаб овоз бердилар, деди.

МРП партиясининг вакили Шнейтер, менинг сиёсий маслакдошларим овоз беришда бетараф қоладилар, деб уқтириб ўтди. Тунисдаги аҳвол тўғрисидаги интерпелляцияларни муҳокама қилишни 27 августга қолдиришга қарор қилинди. Бу қарор 126 овозга қарши 398 овоз блан қабул қилинди.

МАРОҚАШДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 11 август. (ТАСС). Париж матбуотининг хабар беришига қараганда, Марокашдаги кескин аҳвол ҳали ҳам давом этмоқда. «Фран-тирер» газетасининг ёзишича, илгариги султон Саид Муҳаммад Бен Юсифнинг тахтдан туширилганлигининг йиллиги муносабати блан умумий забастовка ўтказиш тўғрисида миллатчи партияларнинг чақиригига маҳаллий аҳоли қўшилган. Касабланка, Фес, Работ, Порт-Лист, Марокаш ва бошқа шаҳарларда марокашлиларга қарашли магазинларнинг ҳаммаси кеча очилмаган. Забастовкада давлат муассасаларининг хизматчилари, кўпгина саноат корхоналарининг меҳнаткашлари, автобусларнинг шоферлари ва бошқалар ҳам иштирок қилган.

Француз қўшинлари ва полициянинг катта-катта қисмлари Порт-Листда «тозалаш» операцияси ўтказганлар. Газеталарнинг ёзишига қараганда, бу операция Марокашнинг бутун тарихида энг катта операция бўлган. Текширишдан ўтказилган ўн минг арабдан уч минг киши ушлаб қолинган ва шулардан икки мингга яқин киши ҳали ҳам полициянинг қўлида турибди. Шаҳар қамал ҳолатига тушиб қолди. Ажнабилар легионининг мобил гвардиянинг солдатлари ва марокашли ўқчилар араб маҳаллаларини қуршаб олганлар. Шаҳар кўчаларида солдатларнинг ва полициячиларнинг отрядлари патруллик қилмоқда. Араб аҳолиси орасида тинтувлар ўтказилаётган вақтда реактив самолетлар шаҳар устида учиб юрган.

Индонезия хотин-қизлари ташкилотлари вакилларининг Ўзбекистонда бўлишига доир

Индонезия хотин-қизларининг совет хотин-қизлари Антифашист комитетининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган бир группаси Ўзбекистонда олти кун меҳмон бўлди. Андреас хоним бошчилигидаги бу группада Индонезиянинг турли жойларидан, корхоналаридан ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидан келган 12 киши бор эди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари эрксевар индонез халқининг вакилларини самимий кутиб олдилар. Республиканинг хўжалик ва маданий қурилиши блан, республика аҳолисининг турмуши блан ҳаётмоналама танишиш учун меҳмонларга ҳамма шароит яратиб берилди.

Индонезия хотин-қизлари Тошкентда бўлган вақтларида шаҳарнинг ҳушманзара жойлари блан танишдилар, театрларда ва парклларда бўлдилар, Ўзбекистон ССР маориф министри ўртоқ Қодиров блан суҳбатлашдилар. Улар Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатида совет ишчиларининг меҳнат шароитини ўргандилар, меҳнаткашларга медицина хизмати ва маданий хизмат кўрсатиш қандай қўйилганлиги блан танишдилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаёти блан, болалар тарбияси блан қизиқдилар. Улар Ўзбекистон пойтахтида яшовчи кўпболали оналарнинг катта группасига СССР орденларини ва медальларини топширишга бағишланган тантанали маросимда ҳозир бўлдилар, энергетикларнинг болалари дам олаётган пионерлар лагерига бордилар, хотин-қизлар орасида ишлаш масалалари тўғрисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раҳбарлари блан суҳбатлашдилар.

Тошкентда Индонезия хотин-қизлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратига бориб, муфти Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон блан суҳбатлашдилар.

Индонезия хотин-қизларининг вакиллари Ўрта Осиё совли ерларни механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институтини бориб кўрдилар, Янгийўл районы колхозчиларининг ишлари блан танишдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари ўртоқ В. Содиқова меҳмонлар шарафига қабул маросими ўтказди. қабул маросимида қизиқ эканликлари чеҳраларидан билиниб турибдики, буни асло унутмаймиз. Халқнинг бахтли эканлиги, ўз келажагига ишончи комил эканлиги, ўз турмуши тўхтовсиз яхшиланиб бораётганлигини билиб турганлиги сезилиб турибди.

Совет ҳукуматининг оналарга ва болаларга жуда катта ғамхўрлик қилаётганлигини кўриб қойил бўлдик. Кўпболали оналар бутун халқнинг ҳурматига сазовор бўлиб, давлатдан мўдаий ёрдам олаётганликларини билиб болаларга ўз ҳаётдошларига ва қобилиятларини ҳаётмоналама ривожлантириш учун энг яхши шароит яратиб берилганлигини билиб жуда хурсанд бўлдик. Совет Иттифоқида ва, жумладан, Ўзбекистонда хотин-қизлар эрқаклар блан бир қаторда меҳнат қилаётганликларини ва давлатни идора қилишда актив иштирок этаётганликларини, ўз меҳнатлари учун эрқаклар блан баббаравар ҳақ олаётганликларини алоҳида мамнуният блан қайд қилиб ўтамиз.

Андреас хоним ўз сўзининг охирида бундай деб уқтириб ўтди:

— Бутун Совет Иттифоқида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам халқнинг тинч ижодий меҳнат блан шуғулланаётганлигини кўрдик. Биз ватанимизга қайтиб борганимиздан кейин совет кишиларининг фақат тинчлик мақсадини қўлаётганликларини ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашни ўзларининг энг биринчи вазифалари деб ҳисоблаётганликларини халқимизга қувона-қувона айтиб берамиз.

Андреас хоним Индонезия хотин-қизларининг бутун группаси номидан Ўзбекистон меҳнаткашларига меҳмондўстлик блан кутиб олганликлари ва Индонезия халқига нисбатан дўстлик ҳисларини билдирганликлари учун катта миннатдорчилик изҳор қилди.

Индонезия хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари 12 августда Тбилисига учиб кетдилар. (ЎзТАГ).

Тошкентда

Меҳнаткашларга—хушбичим кийимлар

Биз Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги «Ўзбекодежда» торги ҳузуридаги 2-нчи модалар ательесининг директори ўртоқ С. Муратов блан «Таклиф ва шикоятлар дафтари»ни варақлаб ўтирибмиз. Дафтарнинг кўп саҳифаларида заказчиларнинг ателье коллективига изҳор қилган миннатдорчилик сўзларини ўқиймиз.

«Мен,— деб ёзади заказчи Л. Николаева,— бичиқчи ўртоқ Борис Натанович Чмухга самимий миннатдорчилик билдираман. Ўртоқ Чмух ва ателье коллективи мен заказ қилган пальтони кўнглимдагидек қилиб тикиб бердилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ўртоқ Чмух ҳарбир заказчининг фигурасидаги хусусиятларни ҳисобга олиб, кийимни худди қуйиб қўйгандек қилиб бичишга уринади. Совет кишиларининг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун коллективга бундан кейин ҳам кийимларни катта э'тибор блан тикиб бериб, меҳнаткашлар миннатдорчилигига сазовор бўлишини тилайман».

Эрлар костюми ва пальтосини тикучи бригада бошлиғи ўртоқ Н. Харитонов ательеда 1936 йилдан бери ишлайди. У, ўзининг бой тажрибасини ёшларга ўргатиш блан бирга, жамоат ишларига ҳам актив қатнашади. Ўртоқ Харитонов ателье партия ташкилотининг секретарлигига сайланган. Харитонов шогирдларидан бири М. Мирортиқова 1952 йилда ихтисослик техника мактабини тамомлаб келган эди. У, а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш блан бирга, ойлик нормасини ҳам мунтазам равишда ошириб бажармоқда. Мирортиқова устоз даражасига етиб, ҳозир шогирди С. Сиддиқовга ўз касбини ўргатмоқда.

Ателье коллективи бутун имкониятлардан фойдаланиб, ишлабчиқариш планини ой сайин ортиги блан бажармоқда. Июль ойи плани 115,1 процент бажарилди. Коллектив ишлабчиқариш планини ортдириб бажариш блан бирга, маҳсулот сифатини яхшилаш учун ҳам тинмай кураш олиб бормоқда. Илгари кийимлар бир марта примерка қилинган бўлса, ҳозир икки марта примерка қилинадиган бўлди.

Ҳозир ательеда хотин-қизлар кўйлагини тикиш бошидан то охиригача бир мастерга топширилиадиган бўлди. Бу, мастернинг мас'улиятини ошириб, маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда.

Шу методни қўллаётган мастерлардан А. Курякина, М. Гуломқодирова, А. Чернова, К. Андреева ва бичиқчи М. Комилова ўртоқлар а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Яқин вақтлар ичида костюмлар ва пальтолар ҳам шу тарзда тикиладиган бўлади.

Ателье ма'мурияти меҳнаткашлар талабини қондириш учун кун сайин яхши сифатли материаллар келтирмоқда. Ҳозир ателье ҳар куни 50 га яқин заказ қабул қилмоқда. Бу заказларнинг 70 процентини ателье материалидан тикиш имкониятги яратилган.

Суратда: (чапдан ўнгга) мастер **А. Ф. Чернова,** бичиқчи **М. Комилова** ва мастер **К. П. Андреева** ўртоқлар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Илмий-атеистик темаларда лекциялар

Октябрь районидаги 1-нчи агитпунктда «Қурбон ҳайит ва унинг меҳнаткашлар учун зарари» деган темада лекция уюштирилди. Лекцияни 14-нчи мактаб директори ўртоқ Умаров ўқиди ва уни 400 дан ортиқ киши тинглади.

Шунингдек районнинг юзларча меҳнаткашлари 19-нчи мактаб директори ўртоқ Мукаррамованинг «Ислом динининг реакцион роли» темасида, Октябрь район партия комитетининг штатсиз лекторларидан мактаб ўқитучилари Боқиев, Шосултонов ва бошқа ўртоқлар томонидан атеистик темаларда ўқилган лекцияларни ҳам зўр қизиқиш блан тингладилар.

Бундан ташқари район партия комитетида агитпунктлар мудирларининг кенгаши ўтказилди. Кенгашда район партия комитетининг секретари ўртоқ Шоисломов атеистик ва табиий-илмий билимлар пропагандасини кучайтириш вазифалари ҳақида доклад қилди.

Аҳолига кино хизматини яхшилаш учун

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўзининг навбатдаги мажлисида аҳолига кино хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақидаги масалани кўрди. Ижроия комитет шаҳарда кино-театрларнинг тормоқлари йилдан-йилга кенгаётганлигини, тамошобинларга кинофильмларни кўрсатиш тобора яхшиланаётганлигини та'кидлади.

Ҳаммадан шу факт ҳарактерлики, «Искра» кинотеатри меҳнаткашларнинг талабларини тўла қондирганлиги учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ҳамавақт голиб чиқди ҳамда ВЦСПС ва СССР Маданият министрлигининг кўчма Қизил байроғини тўрт марта қўлга киритди.

Шаҳар кинотеатрларида фестивальлар ўтказилди. Кўпгина техноруклар ва кино-механиклар малака ошириш бир ойлик курсларида бўлдилар, буларнинг ҳаммаси ишни яхшилаш учун катта имконият яратди. Натижада кино тормоқларини эксплуатация қилиш ярим йиллик плани 110,1 процент бажарилди.

Республика маданият уйининг бадиий хаваскорлик тўгараклари

Республика Маданият уйи турли бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг ишларини кенг қўламда ривожлантирмоқда. Бу тўгаракларга райондаги 300 дан ортиқ меҳнаткаш ва уларнинг анча а'золари актив қатнашмоқдалар.

Ҳозир маданият уйида драма, музика, адабиёт, балет, шахмат-шашка, фото ва радио-ҳаваскорлар каби тўгараклар ишлаб турипти.

Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг коллективлари Маданият уйида, маданият ва истироҳат парклларида, шаҳар яқинидаги колхозларда меҳнаткашларга спектакльлар кўрсатмоқдалар ва тез-тез концертлар қўйиб бермоқдалар.

Ўзбекистон VIII спартакиадаси

Бутунўзбекистон спартакиадасининг иккинчи куни қизғин кураш вазнятида ўтди.

Эрқаклар ва хотин-қизлар учун тош йўл бўйича 100 ва 25 километр масофага ўтказилган велосипед пойгаси зўр қизиқиш туғдирди. Наманганли спортчи В. Палацкий 100 километрли масофани 2 соат 49 минут ва 27 секунд ичида босиб ўтди. Хотин-қизлар ўртасида велосипед пойгаси бўйича Ўзбекистон рекордчиси А. Клиценко (Тошкент) яна республика чемпиони бўлди. У, 25 километр масофани 41 минут 15 секунд ичида босиб ўтиб, янги республика рекорди қўйди.

Эрқаклар ўртасида Наманган области велосипедчилари ва хотин-қизлар ўртасида Тошкент спортчилари команда биринчилигини эгалладилар.

Ўзбекистоннинг оғир атлетикачилари биринчи кундаёқ иккита янги республика рекорди қўйдилар. Фарғона областининг вакили В. Ли икки қўли блан 86 килограмман штангни кўтарди. Бу Ўзбекистонда бундан илгари эришилган рекордан 1 килограмм ортиқдир. Тошкентли спортчи Д. Данилин (ярим енгил вазнли) икки қўл блан 93 килограммли штангни кўтариб, республика рекордини такрорлади.

Шаҳар стадионларида, спорт майдончаларида футбол, волейбол, бокс, классик кураш ва оддий кураш бўйича мусобақалар давом этди.

Спартакиаданинг учинчи куни Тошкент спорт базаларида волейбол, бокс, классик кураш, оғирликни кўтариш, кураш ва мотоцикл спорти бўйича мусобақалар давом этди.

Бухоро области волейбол командалари яхши ҳаракат қилиб, галаба қозондилар. Хотин-қизлар командаси 3:1 ҳисоби блан Фарғона спортчиларини ютди, эрқаклар командаси худди ана шундай ҳисоб блан Тошкент области волейболчилари устидан галаба қозонди. Қорақалпоғистон волейболчилари ўз мастерликларини яна бир марта намойиш қилдилар. Улар 3:2 ҳисоби блан Андижон области командасини енгдилар. Худди шундай ҳисоб блан сурхондар'ёлилар қашқадар'ёлилар устидан галабага эришди. Наманган области командасининг яхши тайёрланмаганлиги сезилиб қолди. Улар Тошкент хотин-қизлар командасига ва Қорақалпоғистон эрқаклар командасига ютқиздилар. Шунингдек Хоразм области волейболчилари ҳам мағлубиятга учрадилар. Хотин-қизлар командаси 0:3 ҳисоби блан Тошкент области командасига, эрқаклар командаси ҳам ана шундай ҳисоб блан фарғоналларга ютқизди. Самарқандилар Қашқадар'ё области волейболчилари устидан, андижонлидар сурхондар'ёлилар устидан 3:0 ҳисоби блан осонгина галаба қозондилар. Эрқаклар командаси ўртасида бухоролилар, иккинчи ўринда самарқандлилар олдинда бормоқда. Хотин-қизлар командаси ўртасида Бухоро область ва Қорақалпоғистон волейболчилари, иккинчи ўринда эса Тошкент спортчилари олдинда бормоқда.

Кураш мусобақаси тамошабинларни жуда қизиқтирмоқда. Қорақалпоғистон АССР курашчилари икки галабага эришдилар. Уларнинг командалари 6:2 ҳисоби блан Қашқадар'ё области ва 5:3 ҳисоби блан Сурхондар'ё области курашчилари устидан галаба қозондилар. Шунингдек, Хоразм областининг кучли командалари ҳам иккита галабага эришдилар: бухоролиларни 5:3 ҳисоби блан, **сурхандар'ёлиларни 7:1 ҳисоби блан** ютдилар. Самарқанд курашчилари 3:5 ҳисоби блан бухоролиларга ва 2:6 ҳисоби блан қашқадар'ёлиларга ютқаздилар. Фарғонача кураш бўйича Фарғона командаси олдинда бормоқда. У, Андижон ва Тошкент курашчилари устидан галаба қозонди. Наманган курашчилари Андижон области курашчилари блан ўч ураш, 6:2 ҳисоби блан ютдилар. Қўйлиқ қўпригидан нарида, Вектемир қишлоғида мотоцикл кроссе бўйича мусобақа бўлди. Спортчиларга паст-баландлик ва ўқир-чўқир жойлардан ўтишга тўғри келди. Кроссининг бутун масофасида қизғин кураш давом этди. Хотин-қизлар 40 километр масофага мусобақалашдилар. Тошкентли спортчи А. Петрова 1 соат 16 минут 12 секунд натижага эришиб, финишга биринчи бўлиб келди. Иккинчи ўринни Қорақалпоғистон вакили А. Ощченкова ва учинчи ўринни бухороли спортчи Н. Смолина эгаллади. Эрқаклар 100 километрга мусобақалашдилар. 350 кубсантиметр классли машиналари бўйича спорт мастери Н. Шульга финишга биринчи бўлиб келди. У, 100 километр масофани 2 соат 35 минут 58 секундда босиб ўтди. Тошкент спортчилари Г. Семёнов ва Н. Рубановлар иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар. 125 кубсантиметр классли машиналари бўйича биринчи ўринни В. Ильинцев (Тошкент), иккинчи ўринни М. Гончаров (Қорақалпоғистон) эгаллади. Командалар синовида биринчи ўринни Тошкент мотоциклчилари, иккинчи ўринни қорақалпоғистонлилар олдилар.

М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида оғирликни кўтариш мусобақаси бўлди. 1954 йилда республика чемпиони унвонини Тошкент областининг вакили Н. Кочетков олди, иккинчи ўринга спорт мастери Р. Егонов ва учинчи ўринга Е. Гладишев эга бўлди. Енгил вазнли атлетиклар ўртасида спорт мастери Г. Қуанецов янги республика рекорди қўйди. У, икки қўли блан 108,5 килограмм оғирликдаги штангани кўтарди. Ярим оғирликдаги вазн бўйича биринчилик учун Ўзбекистоннинг кучли спортчилари, республика терма командасининг а'золари Ю. Чаусский ва В. Артемьевлар қаттиқ курашдилар. Классик троебория суммасида 320 килограммга эга бўлган Ю. Чаусский республика чемпиони номига эга бўлди. Иккинчи ўринни Чаусскийдан 2,5 килограмм кам кўтарган В. Артемьев олди, учинчи ўринга М. Катаев (Тошкент) эга бўлди.

Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида классик кураш бўйича мусобақалар давом этди. Командалар синовида ЎзССР терма командаси олдинда бормоқда, иккинчи ўринда — тошкентли курашчилар, учинчи ўринда — бухоролилар ва тўртинчи ўринда Фарғона областининг спортчилари бормоқда.

Спартакиада давом этмоқда.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биноси) — 13 /VIII да **Олтинкўл** 14/VIII да **Офтобхон.**

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА (ёзги театр) — 14/VIII да **Бошқирд давлат рақс ансамблининг гастрольлари.** Ансамбль 35 кишидан иборат. Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 4 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

ҚИШҚИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундуз), НАВОИЙ номли (кеч соат 8 гача), «ИСКРА» (кеч соат 9 гача), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 10 гача) «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги бадиий фильм-концерт **Қувноқ юлдузлар.**

НАВОИЙ номли — кеч соат 8 ва 10 да **Бой ила хизматчи** (рус тилида).

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Бўйинг даги Анна,** 3-нчи залда кундуз соат 4-20 минутда **Одамнинг бахт-саодати учун.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 10 да **Волга-Волга.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 10 да **Айбсиз айбдорлар.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Қувноқ юлдузлар.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Мардлик мактаби.**

ПУШКИН номли — **Чехов.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Кема командири,** кечқурун **Москвада 1954 йилдаги 1-нчи Май байрами.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 138, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р.00588 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1413.